БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 174 (17.456). ● 1 август 1979 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛДИ

Қамаши райони чорвадорлари ем-хашак базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдалар. Район колхоз ва совхозларида шу кунгача 70 минг тонна дағал хашак жамғарилди. 20 минг тонна ўрнига 35 минг тонна сенаж бостирилди. Шунингдек, 605 тонна беда уни тайёрланди.

Шу кунларда қир ва адирларда табиий ўтдан озуқа жамғариш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози республикадаги машъал хўжаликлардан саналади. Ўтган йили хўжалик миришкорлари она-Ватанга 18 минг 500 тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этган эдилар. Бу йил янада улкан хирмонни кўзлаб унумли меҳнат қилишаётир.

Тошкент областининг Коммунистик районидаги «Правда» колхозида ҳам мўл пахта ҳосили етиштириш учун кураш давом этмоқда. Суратларда: юқорида — «Фарғона» совхозининг 6-бўлими илғор механизатори Абдураҳим Аъзамов ва шу бўлим агрономи Қурбон Аҳмаджоков ўртоқлар. Пастда — «Правда» колхозининг Усер Режебов бошлиқ звеноси пахтазорларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

Ж. Тўраев ва Е. Ботиров фотолари.

ЧЕКАНКАНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

◆ Ғўзаларнинг ўсиш нуқтасини агротехника қоидалари асосида чилпиш ҳосилдорликни 4—5 центнер кўтаради, шоналарнинг тезроқ гулларга, гулларнинг тугунчалар ва кўсакларга айланишига, кўсакларнинг эрта пишиб очилишига ёрдам беради.

◆ Чеканкани ғўзаларнинг ҳолатига қараб машиналар ёрдамида сифатли ўтказайлик, бирор туп ғўза эътибордан четда қолмасин!

◆ Чеканкадан кейин қатор ораларига ҳаво, қуёш нури, ёруғлик яхши сингиши учун чопиқ, культивацияни кучайтирайлик!

◆ Бўйчан ғўзалар чеканкасини тезлатиш билан ўсиш, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларга комплекс ишлов беришни авж олдирайлик!

САМАРАДОРЛИК — БОШ ЙЎЛИМИЗ

Зарбдор одимлар билан ғолибона қадам ташлаётган ўнинчи беш йиллигимизни самарадорлик ва сифат беш йиллиги деб аташ одат бўлиб қолди. Дарҳақиқат шонли партиямиз бу беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга даъват қилмоқда. КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан илҳомланган ва партия кўрсатмаларини зўр садоқат билан амалга ошираётган совет кишилари мамлакатимиз экономикасини бутун чоралар билан ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун кураш мусобақасида янгидан-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар.

Беш йиллигимизнинг қаҳрамонона меҳнат билан нишонланган уч ярим йилига якун ясалди. Ўзбекистон саноат корхоналарининг меҳнаткашлари бу йилларни зарбдор ишлар билан нишонладилар. Кейинги ярим йил ичида қўлга киритилган ютуқлар республика индустрияси ишчилари ва мутахассислари 1979 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш учун курашга бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилаётганликларини тасдиқлайди. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида республика саноати маҳсулот реализация қилиш давлат планини 102,1 процент бажарди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,7 процент ортди. Фондларидан фойдаланиш яхшиланди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш имконини берадиган фан-техника янгиликлари, техникавий тадбирлар жорий этилди, мавжуд ускуналардан фойдаланишни яхшилашга ёрдам берувчи резервлар ишга солинди.

Саноат бирлашмалари, комбинатлар, заводлар ва фабрикаларнинг ишчилари, мутахассислари, барча меҳнаткашлари экономикамиз тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини оширишга катта эътибор бермоқдалар. Илғор корхоналарнинг коллективлари ишлаб турган асбоб-ускуналардан, барпо этиб қўйилган қувватлардан тўла-тўкис фойдаланиш йўли билан фондлар самарадорлигини тобора оширишга муваффақ бўлаётирлар. «Биз сифат проблемасини жуда кенг маънода тушунамиз, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида қилган докладида. — Бу проблема хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Юқори сифат деганда меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини кўпайтириш, пировард натижада эса жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада тўлароқ қондириш маъносини тушунмоқ керак». Буига эса фондлардан фойдаланишни яхшилашсиз ўнинчи беш йиллик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қизғин кураш олиб бориш натижасида эришилади.

Фондлар самарадорлигини оширишда энг яхши ютуқларга эришаётган корхоналар коллективларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай коллективларда планлаштириш ва бошқаришнинг бутун механизми, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системаси, инженерлар ва конструкторларнинг куч-ғайратлари, ишчиларнинг маҳорати фондлар самардорлигини оширишга қаратилган. Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида фондлар самарадорлигини ошириш учун кўриладиган чора-тадбирлар ва қўлга киритилган ютуқлар айниқса ибратлидир.

Республикамиз саноатининг ўтган ярим йилги иш якунлари корхоналаримизда халқ хўжалигининг муҳим масалаларини ҳал этиш учун куч ҳамда маблағларни марказлаштириш йўли давом эттирилганлигини кўрсатиб турибди. Бу йўл фондлар самарадорлиги имкониятларини баралла намойиш этади. Бу йўл металлургия, ёқилғи ва химия саноатини, энергетика, машинасозлик, транспорт барча тармоқларини янада ривожлантириш йўлидир. Бу йўл халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш йўлидир. Бу йўл янги қувватларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, тугалланмаган қурилишлар сонини ўрнатилмаган ускуналар ҳажмини камайтириш йўлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган ярим йилги муваффақиятларимиз бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишдаги камчиликлар ва бошқа нуқсонлар сабаб бўлиб республиканинг 46 корхонаси маҳсулот реализация қилиш олти ойлик планини бажармади. Шунинг эвазига 56,4 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилинди.

Фондлар самарадорлигини оширишнинг ишончли резервларидан бири ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни янада яхшилашдир. Афсуски, айрим корхоналарда бу муҳим талабнинг адо этилишига тегишлича эътибор берилмаяпти. Самарқанд рўзғор холодильниклари, чинни фаянс буюмлари заводларида ишлаб чиқариш қувватларидан унумсиз фойдаланилмоқда. «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида машина-ускуналардан фойдаланишни янада яхшилаш учун етарли кураш олиб борилмаяпти. Республика Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарида пиво ишлаб чиқариш қувватларидан 77,5 процент, алкогольсиз ичимликлар тайёрлаш қувватларидан 42,5 процент, минерал сувлар тайёрлаш қувватларидан 69,6 процент фойдаланилаётганлигини нима деб баҳолаш мумкин!

Ускуналарнинг бекор туриши фондлар самарадорлигини оширишга халақит бераётганлиги республика саноатининг айрим тармоқларида кўзга ташланиб турибди. Бу галлар Фарғона тўқимачилик ва Бухоро ип газлама комбинатига таалуқли. Баъзи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ишчилар сонини ошириш йўли билан эришишга интилиш каби ярамас практика қўлланилмоқда. Фарғона шиша идишлар заводи, Урганч пиллакашлик фабрикаси, Ангрен сут заводи раҳбарлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга меҳнат унумдорлигини кўтариш йўли билан эришиш мумкинлигини тан олишлари керак.

Меҳнат интизомининг пастлиги оқибатида қатор корхоналарда иш вақтининг зое ўтишига йўл қўйилмоқда. Бундай корхоналарда сменалар ўртасида машина-ускуналарнинг бекор туриши, прогуллар оқибатида станокларнинг тўхтаб ётиши сингари аҳволга тоқат қилиб келинаётганлигга барҳам бериш лозим. Бундай аҳвол айниқса енгил, пахта тозалаш саноати ва биноқорлик материаллари саноати корхоналарида юз бермоқда. Ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан тўла фойдаланмаслик ҳамда машина-ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминламаслик каби камчиликлар ҳам фондлар самарадорлигини пасайтиришга сабаб бўляпти.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик органлари билан ҳамкорликда фондлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари ва уларни астойдил амалга оширишлари зарур. Фондлар самарадорлигини ошириш партия XXV съезди қўйган улкан вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг тўғри йўлидир.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ АСОСИДА

ОКТЯБРЬ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Мусобақадош Тошкент области меҳнаткашларининг вакиллари қўриқ Жиззах области пахта далаларида, чорвачилик фермаларида, ғаллазор ва боғларда бўлиб, беш кун давомида ўзаро мусобақа шартларининг бажарилишини атрофлича текширдилар. Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозда текшириш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тошкентлик мусобақадошлар бригадаси бошлиғи, Тошкент область партия комитетининг секретари А. Икромов ва бошқа группа раҳбарлари йиғилишда эришилган ютуқлар ва аниқланган камчиликлар ҳақида гапирдилар. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози, Мирзачўл районидаги Абай номли, Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли, «Комсомол», Ленин номли, Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхозларда бу йил ғўза яхши ривожланяпти. Ҳар бир туп ғўзада 4—5 тадан бўлиқ кўсак тўпланди. 320 минг тонналик хирмоннинг 85 процентини машиналарда йиғиштириб олишни мўлжаллаган область пахтакорлари терим машиналари ремонтини тезлатиш, далаларни бегона ўтлардан тозалаш чораларини кўряптилар. Айни пайтда область ғаллакорлари давлатга 380 минг тонна дон топшириб, ўз зиммаларидаги мажбуриятларни ошириб бажардилар.

Лекин область хўжаликларида ғўзанинг ривожи ўтган йилдан 14—18 кун орқада қолаётир. Шунга қарамай, ҳозирда мавжуд культиваторларнинг қарийб 500 таси ишлатилмаётир. 7 минг гектардан кўпроқ ерда бегона ўт бор.

— Бетга айтганнинг заҳри йўқ, — деди йиғилишда сўзга чиққан Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Исроилов, — мусобақадошлар эътиросини ўзимизнинг фойдамиз деб биламиз. Улар айтган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 15 сентябргача зарбдор эллик кунлик эълон қилдик. Хўжаликларда ҳамда район партия комитети қошида ғўза ҳашаротларига қарши кураш штаблари ва постлари тузилди. Сувчилар сонини ошириш тадбирлари белгиланди.

— Август ойида ғўза қатор ораларига яна икки марта культивация ишлов бериб, икки марта қондириб суғорамиз, — деди Жиззах район партия комитетининг биринчи секретари М. Мелиев. — Бегона ўтларни мусобақадошлар айтганидек томири билан қуритамиз. Сувчилар сонини икки баравар оширамиз.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов, область партия комитетининг биринчи секретари Т. Бойматов ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Н. МИРЗАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган балиқшунос» фахрий унвони белгиланди.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган балиқшунос» фахрий унвони ишлаб чиқариш бирлашмаларида, балиқ комбинатларида, колхозларда (шу жумладан, балиқчилик колхозларида) ва совхозларда, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш муассасаларида ҳамда балиқ хўжалигининг бошқа корхоналари ва ташкилотларида камида 10 йил бенуқсон ишлаган, балиқ урчитиш ва балиқ овлашни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқариш планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда, балиқ запасларидан оқилона фойдаланишда ва балиқ урчитишда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришда, фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этишда, балиқ етиштириш ва овлашдаги сермеҳнат жараёнларни механизациялаштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ва ижтимоий ҳаётда актив иштирок этаётган ишчиларга, колхозчиларга, мутахассисларга берилади.

Шу фармонга биноан, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган балиқшунос» фахрий унвонига сазовор бўлган кишилар учун кўкракка тақиладиган нишон таъсис этилди ва унинг тасвири тасдиқланди.

ҲОСИЛ ВАХТАСИ

ПАХТА ЭРТА ОЧИЛАДИ

Ўзбекистоннинг бир қатор областлари далаларида қирқ кунлик зарблор вахта эълон қилинди. Бундан мақсад пахтачилик учун энг қулай келган йилларда бўлгани сингари бу йил ҳам асосий майдонларда ҳосилни йиғиб-териб олишни, уни заводларда қайта ишлаш ва тўқимачиларга тола жўнатишни сентябрь ойининг дастлабки кунлариданоқ бошлаб юборишдан иборат.

Пахта даласининг туси асосан икки хил бўлади — қора ва оқ. Ҳар бир янги ҳосилнинг таржиман ҳоли қора рангдан, шудгордан бошланадида. кўсакларнинг кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ бўлиб очилиши билан тугалланади. Ана шу оппоқ манзарани бутун республика энтикиб кутади: пахта қанчалик тез очилса, унинг салмоги ҳам каттароқ, толаси ва чигитнинг ёғлилик даражаси ҳам кўпроқ бўлади. (бу кўрсаткичлар ўтган йили пасайиб кетганди). далани янги йил ҳосилига тайёрлаш ишлари осонлашади.

Бир қадар тезпишар, шу билан бирга юқори ҳосилли навларнинг экилиши ҳамда аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилган агротехника пахта теримини анча барвақт бошлаб юбориш имконини беради. Ўтган йилни истисно қилганда етмишинчи йилларнинг ҳаммасида пахта ҳосилини теришга сентябрнинг дастлабки кунларида киришилган эди. Бирок, пахта — иссиқсевар экин. Унинг учун об-ҳаво асосий роль ўйнайди. Бу йил об-ҳаво шароитларига кўра Ватан пахтачиларининг бутун тарихида энг огир келган йил бўлди. Баҳорги такрорий жала ва дўл мурғак ғўза ниҳолларини бир неча бор нобуд этди. 900 минг гектар майдонда чигит қайта экилди. Далаларнинг сувга ғарқ бўлиши, қатқалоқ рўй бериши, илдиз чириш касаллиги — мана шуларнинг барчасига пахта деҳқонининг ҳаловат нималигини билмайдиган қўллари туфайли бардош берди.

Май ва июнь ойлари одатдан ташқари салқин келди. Ғўза ривожининг гоят муҳим босқичида. яъни дастлабки бешта чинбарг пайдо бўладиган пайтда унга талаб этиладиган ҳарорат суммасининг 30 процента етишмай колди. Шунда 1979 йил пахта ҳосили теримига оммавий киришиш орқага чўзилиб кетади. деган асосли хавотирланиш пайдо бўлди. Бутун ташвиш ҳали олдинда эди. Пахта етиштириладиган асосий водийларда йилнинг биринчи ярмида йўқотилган самарали ҳарорат ўрни ҳанузгача қоплангани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Қурбонов билан суҳбатлашаман.

— Ғўзаси гулга кирган майдонларда биз ҳали энг қулай келган йиллар даражасига етиб олганимиз йўқ, — дейди у, бирок ўтган йилги даражадан анча илгарилаб кетдик. Табиатни алдаб бўлмайди. Бирок, унга ёрдам бериш мумкин ва керак ҳам. Июль жуда иссиқ келди. Деҳқонлар ғўза ривожи бўйича қулай келган йиллар даражасига етиб олишга умид боғламоқдалар. Қандай қилиб? 10 июлдан 20 июлгача ўртача йиллик кўрсаткичларга нисбатан олганда пахта майдонларида 1,5 миллион гектар ерда культивация ўтказилган бўлса, бу йил ана шу муддат ичида 2,5 миллион гектардаги ғўза культивация қилинди. Вахта эълон қилишдан мақсад бутун август ойида, айрим ғўза пайкалларида эса сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам парваришни бўшаштирмасликдан иборат.

Бу суҳбатдан илгарироқ мен Зарафшон водийсида, Каттақўрғон районида бўлиб, пахтакорларнинг «Обқаво ўз йўлига, иш ўз йўлига» деган шиори қанчалик маъно касб этганлигини англадим.

... Зариф Санақулов ўзини анча олдириб қўйгани сезилиб турарди. Далаларга ишлов бериш бўйича сифат комиссияси ўз қарорида қатъий туриб олган, бегона ўт босиб кетгани учун бригадирни лавозимидан олиб ташлаш ҳақида правлениега тавсия йўлламоқчи эди. Зариф ўзини оқлаши учун асосга эга эди, аммо у ўзини оқлаб ўтирмади.

— Менга бир кеча-кундуз муҳлат берсангиз, — илтимос қилди бригадир.

— Бор-йўғи бир кунми?

— Йўқ, бир кеча-кундуз.

Санақулов ўз бригадасига қарашли ҳамма хонадонларга кириб, ишга яроқли кишиларнинг барчасини далага олиб чиқди. Қўшнилар ҳам ёрдам беришди. Бир кечада тўрт бригада тракторларини ҳайдаб келишди, чор атрофдан тракторлар фараларини ёқиб қўйишди. Эрталаб далага колхоз раиси М. Шодиев ва район партия комитетининг биринчи секретари И. Туробов етиб келишди. Дала топ-тоза. бironта ҳам бегона ўт йўқ эди.

Ана шу ерда, Ленин номли колхозда, М. Шодиев билан И. Туробов иштирокида бундан сал илгарироқ бошқача суҳбат ҳам бўлиб ўтган эди. Улар Жума Тўраев бригадасига келишганди. Унинг даласи бир ой муқаддам савол аломати қўйилган далалар қаторида эди: ғўза ё ривож олади, ё нобуд бўлади. Мана бугун кўкка бўй чўзган, бақувват ғўзалар кўзга ташланиб турарди.

— Ҳароратни қаердан олдинглар?

— Ўзимиздан, — деди бригадир ва кафтларини ёзиб олдинга чўзди.

Бригада ғўза парваришини янгича ташкил этди. Сув берилган кунинг эртасига дала бороналаб чиқилди. Вақтни бой бермай нам теккан тупроқнинг устки қатлами «иситиб» олинди. Кейин эса икки хил чуқурликка мўлжаллаб ўрнатилган наральниклар ёрдамида тупроқнинг ўрта қатлами юмшатилди. Шундан сўнг, яъни учинчи маротаба ғўза орасига кирилганда қатор ораларига культиватор иш қуроллари ҳаммаси ёрдамида ишлов берилди. Бундай иш цикли ҳар 12 кунда такрорлаб турилди.

Қатламлар бўйича культивация ўтказиш тажрибасини бошқа бригадалар ҳам қўллашдилар, район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети бу тажрибани амалда кенг қўлланишни тавсия этди.

Худди бошқа барча районларга ўхшаб Каттақўрғон районида ҳам ҳукумат республикага кўрсатган ёрдамга: қўшимча ажратилган минерал ўғитларга катта эътибор берилди. Ўтгиларнинг тўла нормаси шу қадар эрта муддатларда солиб бўлинган йилни эслаш қийин. Бунинг устига район колхозлари хонадонларидаги жамики мавжуд гўнгни тўплаб далага олиб чиқдилар, чўлдаги чорва бокиладиган жойдан, «Заготкивпром» базаларидан гўнг тўплаб келиб далага солдилар. Ғўза пайкалларида «шарбат» оқизиш учун қўшимча хандаклар қазилди, фақат бўрдоқичилик комплексларининг ўзидан ана шу мақсадга ишлатиладиган юз минг тоннага яқин гўнг ташиб келинди.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, 150—250 гектар пахта майдонига эга бўлган бригадаларни звеноларга бўлиш керак экан. Каттақўрғонда бригадир — энг аввало механизатор. Звено бошлиқлари қилиб катта сувчиларни тайинлашди. Уларга культивация. жўяклар олиш сифатини баҳолаш ҳуқуқи берилди. Механизаторлар ўз навбатида суғориш сифатини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу эса мусобақада ўзаро талабчанликни қарор топтиришга ёрдам берди.

Шундай тортишувлар ҳам бўлди: дала шийпонлари керакми? Ахир, бригададаги ҳар бир кишининг ўз машина ёки мотоцикли бор-ку. Бирпасда уйига етиб олади-кўяди. Ҳар кимнинг ихтиёри, баъзилар ҳозир ҳам шундай қилишмоқда. Бирок, биз райсм партия комитетининг секретари А. Ҳамидова билан Энгельс номли колхоз дала шийпонида бўлганимизда бошқа нарсага қатъий ишонч ҳосил қилдик: иш қисталанг келган пайтда одамларда бир-бирларига яқинроқ бўлишга эҳтиёж туғиларкан. Дала шийпони улар учун чиндан ҳам иккинчи уйга айланиб қолган. Шийпонда дам олиш хонаси, кутубхона, телевизор, телефон, медицина пункти, дўконча бор. Унинг яқинида ўз боғлари, томорқалари, кичкинагина ферма. Ҳамиша янги сўйилган гўшт, сут муҳайё. Ана шундай дала шийпонлари ҳамма хўжаликларда ташкил этилган. Далада зарбдорларча олиб борилаётган ишни ташкил этишда бу шийпонларнинг хизмати бениҳоя катта бўляпти.

Кейинги йилларда район пахта майдонини бор-йўғи 900 гектар кенгайтиргани ҳолда йили ҳосилни 51,2 минг тоннадан 69,2 минг тоннага етказди. Ҳосилдорлик эса 26,2 центнердан 34,5 центнерга ўсди. Анча огир келган ўтган йили каттақўрғонликлар 65,1 минг тонна пахта хирмони кўтардилар. Бугунги кунда райондаги ҳамма плакатларда: 70 минг тонна пахта етказиб берамиз! деган даъваткор рақамни кўриш мумкин.

— 20 минг гектар ернинг тахминан 16 минг гектарида, — дейди Иноят Туробович, — пахта эрта очилади. Ғўза биринчи гулга кирган кундан то биринчи теримга тушилгунча 65 кун керак бўлади. Ғўзамиз июнь ойининг охирида гулга кира бошлаган эди. Ҳисоблаб кўришингиз мумкин. Янги пахта ҳосили сентябрнинг бошларида терила бошланади.

Г. ДИМОВ.
«Известия» мухбири.
(«Известия», 31 июль).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НУКУС, 31 июль. (ЎзТАГ). Бугун тўққизинчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг XI сессияси бўлиб ўтди. Сессияда автоном республика шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг ободончилигини ва санитария аҳволини янада яхшилаш соҳасида халқ депутатлари Советларининг вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. А. Юриц доклади тингланди.

Депутатлар қабул қилинган қарорда шаҳарларнинг, район марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ободончилигини яхшилаш тадбирларини белгиладилар. Ҳамма қулайликлари бўлган уй-жой бинолари, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва даволаш муассасалари, мактаблар, маданий-маиший объектлар қурилишига, уй-жой кварталларини обод қилиш ва аҳоли пунктларининг ташқи киёфасини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Қурилиш ишлари бош планларга мувофиқ, комплекс равишда олиб борилиши лозимлиги кўзда тутилди.

Сессияда шунингдек Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қараб чиқилди. Бу масала юзасидан автоном республика Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуротов доклад қилди. Депутатлар СССР Конституциясининг, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Қорақалпоғистон АССР Конституциясининг талабларига мувофиқ равишда Қорақалпоғистон АССРнинг ижро қилувчи ва фармойиш берувчи олий органи тўғрисидаги Қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

Депутатлар Автоном Республика халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида Қорақалпоғистон АССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар. Бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Рзаевнинг доклади тингланди. Сессия халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисидаги Қонунни бир овоздан қабул қилди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Олий Совет муҳокамасига тақдим этилган Фармонлари тасдиқланди.

Сессия ишида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов қатнашди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

ДАВР ТАЛАБИ

Партия ва ҳукуматимизнинг мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда олий таълимни ривожлантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш ҳақидаги отаоларча ғамхўрлиги туфайли ташкил топган ўнлаб йирик олий ўқув юртлари қатори Тошкент халқ хўжалиги институти ҳам салкам ярим аср мобайнида халқ хўжалиги учун ўн минглаб малакали иқтисодчи мутахассислар етказиб берди. Биргина тўққизинчи беш йилликда олий ўқув юртимизда 12 мингга яқин иқтисодчи, планлаштириш ва молия ходими тайёрланди. Бу йил эса институтимизни 2200 дан ортиқ йигит-қиз битириб, халқ хўжалигининг муҳим тармоқларига йўлланма олди.

КПСС XXV съезди қарорларини оғишмай амалга ошираётган коллективимиз ўнинчи беш йилликни муносиб ютуқлар билан якунлаш учун билим, куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Институт илмий Совети, ректорат, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча профессор-ўқитувчиларимиз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини синчиклаб ўрганиб чиқиб, бўлажак мутахассисларга ихтисослари бўйича кенг назарий билим асосларини сингдириш, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан оқилона фойдаланиш йўлларини тушунтириш, уларда хўжалик юритиш маданиятини камол топтириш юзасидан тағин ҳам самарали йўлларни белгилаб олмоқдалар.

Коммунистик қурилиш ҳозирги босқичининг ўсиб бораётган талаблари олий мактаб битирувчилари олдига катта вазифалар қўймоқда. Бўлажак мутахассис олий мактабда ўқиш жараёнида зарур билимларни эгаллабгина қолмай, балки дунёқараши кенг, узоқни кўра биладиган бўлиб етишиши зарур. Олий маълумотли мутахассис партия сиёсатини актив амалга оширувчи, ғоявий мустаҳкам, марксча-ленинча позициядан туриб ғоявий мухолифларимизнинг кирдикорларини фош этиб ташлай оладиган қобилиятга эга бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарорида бу соҳада янги улкан вазифалар белгилаб берилди. Шунинг учун ҳам бизнинг коллектив қарорни ўз амалий фаолияти учун янги дастур тариқасида қабул қилди. Бу муҳим партиявий ҳужжат илмий-педагогик ишимизни янада такомиллаштиришни, қўйилган вазифаларни бажариш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, изчиллик билан амалга ошира боришни тақозо этади.

Маълумки, институтимизнинг олтита кундузги, иккита кечки, иккита сиртқи факультети ва Андижон филиалида минглаб студент саноатнинг турли тармоқлари ва қишлоқ хўжалигида, савдо ва маиший хизмат шохобчаларида, давлат банки ва молия органларида ишлаш учун иқтисодчи, планлаштирувчи, ҳисобчи ва инженер-экономист касбларини эгалламоқда. Шу ўқув йилидан бошлаб эса яна иккита мутахассислик — саноат ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш ва товаршунослик бўйича талабалар қабул қилинади ва шу зайл биздаги мутахассисликлар сони 19 тага етади. Етук кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда малака ошириш факультети ҳамда тайёрлов бўлими ҳиссаси янада кўпаяди. Бунда шубҳасиз, таълим ва тарбия мутасаддилари — педагогик коллективимизнинг роли катта.

Кейинги йилларда институтимиз профессор-ўқитувчиларининг сифат состави анча яхшиланди. Ўтган беш йиллик бошида талабаларга жами 415 киши, шу жумладан илмий даражали 166 ўқитувчи дарс берган бўлса, ҳозирга келиб ўқитувчиларнинг сони 550 нафарга етди, улардан 271 киши илмий даражага эга. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида 9 олим фан доктори ва 94 киши фан кандидати унвони олиш учун диссертация ёқлади.

Шу ўринда институтимизда илмий даражалар ёқлаш бўйича илмий Советнинг қайта ташкил қилиниши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтмоқчимиз. Чунки ўқув-моддий базаси кенгайиб, кафедра ва проблема лабораторияларининг функцияси тобора ортиб бораётир. Бу эса илмий изланишлар олиб бориш ва кузатиш натижаларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ўқув-ҳисоблаш марказида 2 та «ЕС 10-22» маркали янги электрон-ҳисоблаш машинаси ўрнатилгач, ишлар бирмунча енгиллашди. Амалдаги учта кичик бошқарувнинг автоматик системаси студентларнинг стипендияси, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг иш ҳақини ҳисоблаб чиқариб беряпти. Қабул комиссияси ишида ҳам электрон-ҳисоблаш машиналари қўллана бошланди. Бу абитуриентлар ҳақидаги керакли маълумотни зудлик билан билиш, ҳисобга олишда қабул комиссиясига катта ёрдам бермоқда.

Лекин бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши, бошқаришнинг бутун бир автоматлашган системаси яратилиши керак. «Студентларнинг билимини мустаҳкамлаш ва ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришнинг самарали формалари бўлмиш семинар ва лабораторня машғулотларни кучайтирилсин», — дейилади қарорда. Зотан бу — амалий масалаларни ҳал этишда назарий билимни қўллай билиш малакасини ҳосил қилади, бўлажак мутахассисларнинг ҳаётга тайёрланишида муҳим роль ўйнайди. Ана шунинг учун ҳам институт маъмурияти билан партия ташкилоти таълимнинг янги ва таъсирчан формаларидан фойдаланиш, ўқув жараёнини интенсивлаш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрмоқдалар. Чунончи, амалий машғулотлар шакли ўзгартирилаётир, айрим предметларни ўқитишдаги такрорийлик бартараф этилаётир, илмий-методика проблемалари устида муҳим тадқиқотлар олиб борилаётир. Таълим жараёнида техника восталари ва программалаштирилган назорат методларидан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ институтда ўнта автоматлаштирилган аудитория мавжуд.

Қарорда олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Шунга жавобан олимларимизнинг куч ва ғайрати коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигида иқтисодий-математик методлар ҳамда техник восталар комплексини қўлланиш каби катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган проблемаларни ҳар томонлама ўрганиб, тадқиқот қилишга қаратилмоқда.

Олий таълимни ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш хусусида гап борар экан, ҳали олдимизда бир қатор муаммолар турганлигини айтиб ўтиш керак. Маълумки, институтимиз республикадаги кўплаб министрлик ва идораларга кадрлар етказиб беради. Аммо улар институт ўқув-моддий базасини кенгайтиришга улуш қўшиш борасида юқори партия органларининг кўрсатмасини бажариш ҳақида ҳанузгача жиддий ўйлаб кўрмаяптилар. Жумладан, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳар йили битирувчиларимизни муштоқ бўлиб кутади. Айни маҳалда бўлажак мутахассислар учун институт территориясида тузукроқ замонавий ошхона қуриб беришга кўмаклашса чакки бўлмасди. Ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг моддий-техника таъминоти Бош бошқармаси биздан кўплаб мутахассислар талаб қилгани ҳолда, билим даргоҳини кенгайтириш, студентлар моддий-маиший турмушини яхшилашга қаратилган қурилиш ишлари учун моддий ёрдам кўрсатишни кучайтирмаяпти. Республика Қишлоқ хўжалиги, Маиший хизмат кўрсатиш министрликлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Одатда ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш ўқув йилининг апрель-май ойларида ўтказилади. Бироқ айрим ҳолларда янги дипломли ёш мутахассис тайинланган жойга борганда, ишга қабул қилинмай, қайтариб юборилмоқда. Сабаб? Корхона ёки муассаса бўш иш жойи ҳақида бундан бир йил олдин хабар қилиб кадр сўраган. Ўтган вақт ичида эса бу ўрин аллақачон банд қилинган. Демак, корхона буюртмаси Давлат план комитети орқали олий ўқув юртига етгунча узоқ йўл босади. Ана шундай муаммони олдиндан ҳал этиш зарур. Қарорда уқтириб ўтилганидек, тақсимотни анча олдин ўтказиш, ишлаб чиқариш практикасини ўташ учун битирувчи курс талабаларини ўзларининг бўлғуси иш жойига юбориш лозим. Шунда студент диплом иши лойиҳаси учун ўша корхона ёки ташкилот ишлаб чиқариш масалаларига оид материалдан фойдаланишига ҳам имкон туғилади. Шунингдек, халқ хўжалигимизнинг қайси участкаларига қандай мутахассислар кераклиги ҳам мумкин қадар олдинроқ аниқлаб олинса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қарорда алоҳида уқтириб ўтилган вазифа — иқтисодий кадрлар тайёрлаш структурасини ва сифатини яхшилаш, студентларни ўқитиш ва тарбиялашни планли бошқаришни такомиллаштириш, ҳозирги замон ишлаб чиқаришни, хўжаликни юритиш механизмини такомиллаштириш практикаси билан чамбарчас боғлаб олиб боришни қатъий равишда кучайтириш, иқтисодий факультетларнинг студентларини назарий жиҳатдан тайёрлаш даражасини ошириш давр талаби бўлиб қолди.

Партия ва ҳукуматимиз бўлажак мутахассисларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш ҳусусида беқиёс катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Жумладан, Халқлар дўстлиги проспектида институтимизнинг 14 қаватли бош ўқув корпуси учун пойдевор қўйилди. Ҳозир қурилиш ишлари олиб борилаётир. Билим даргоҳимизнинг ярим асрлик юбилейигача бу ерда студентлар учун замонавий ётоқхоналар, маданий-маиший объектлар қурилиб, институт кўркига кўрк қўша бошлайди.

Олий мактабни янада ривожлантириш ҳақидаги, бундай ғамхўрликка жавобан институт партия комитети ректорат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда студентларни коммунистик руҳда, пролетар интернационализми, совет жамиятининг илғор анъаналари руҳида, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш бўйича комплекс тадбирларни изчиллик билан амалга ошира боради. КПСС Марказий Комитетининг «Идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, таълим-тарбия жараёнининг марксча-ленинча дунёқараш томон йўналтирилган бўлиши учун студентларимиз маънавий қиёфасини юксалтириш, коммунистик дунёқарашини янада кенгайтириш, уларнинг илм-фан билан амалиётни моҳирона боғлай олишга, атроф-муҳитдаги воқеликка ҳаққоний баҳо бера олишига, мафкуравий кураш тўғри позицияда қатъий туришига эришиш учун бутун куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни сарфлай берамиз.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҚУРИЛИШИДА

ШИЖОАТ

РЕПОРТАЖ

Қуёш борган сари қизидиряпти. Метрочилар дарахт соясида бир оз нафасларини ростлашгач, яна тандирдай қизиётган қурилиш майдонига йўл олишди. Бундай жазирамада арматураларни бирбирига улаётган пайвандчиларга тасаннолар айтиш келади. Александр Фалеев ёнига Валерий Сулимов келганини сезиб, ишини бир зумга тўхтатди. Муҳофаза қалпоғини ечиб, юзидаги маржон-маржон терларни артди.

— Одам меҳнатда тобланади, дейишарди. Рост экан. Жазирамада ҳам тобланиб мана ишингиз унумли бўлибди.

Александр бригадирнинг ҳазилига ҳазил билан жавоб қилди:

— Ҳа, энди Концевойни «чанг»да қолдириб кетай, деб отни қамчилаяпман-да.

Уларнинг кулгуси майдонни тўлдирди. Ҳазил-мутойиба чарчоқни ёзади-да. Дарвоқе, А. Фалеев билан Е. Концевой бир-бири билан мусобақадош. Улар бригаданинг энг пешқадам ишчиларидан саналади. Иккаласи ҳам кундалик нормаларини доимо 1,5—2 ҳисса қилиб бажариб келишади.

Шу пайт юқоридан бригадирни чақириб қолишди:

— Валерий Николаевич, цемент олиб келишибди. Қаерга тўкамиз?

— Ҳозир...

Пудрат усулида ишлаётган Валерий Сулимов бошлиқ бригаданинг ташкил этилганига олти ойдан салгина ошди. Аммо улар дастлабки кунларданоқ 1-қурилиш-монтаж бошқармасида илғорликни қўлдан бермай келаётир. П. Авазов, В. Харин, Т. Залялов, Ю. Шин сингари проходкачи, пайвандловчи, изоляцияловчилар метрополитеннинг биринчи навбатини қуришда қатнашиб, катта тажриба орттирган эдилар. Бу тажриба Ҳамид Олимжон номли станцияни барпо этишда ҳам қўл келяпти. Бригадирнинг ўзи Уралда шахтада ишлаган. Тошкент метросини қуришга ҳам ҳисса қўшди. Энг муҳташам ва улкан станциялардан бири — В. И. Ленин майдони номли станцияни бунёд этишда қатнашди.

Тошкентдек йирик шаҳарда метро нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини бригада ишчилари жуда яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам улар доимо ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Трестда бундай бригадалар кўплаб топилади. Айниқса, злобинчасига меҳнат қилаётган Б. Лукин, В. Шорин, К. Виноградов бошлиқ бригадалар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Ўтган йили трест зиммасига юклатилган қурилиш-монтаж ишларининг 35 процентини ана шундай 13 бригада ўз елкаларига олишган эди. 1979 йилнинг ярим йили мобайнида бу кўрсаткич 50—55 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлигининг бошқа бригадаларга нисбатан 20 процент ортиқлиги ҳам машҳур винокор Н. Злобин усулининг афзаллигидан далолат беради.

«Ташметрострой» коллективи бунёд этаётган 2-участка беш километрлик масофани ўз ичига олади. Бу ердаги станциялар халқимизнинг уч буюк сўз санъаткори — бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон, рус шеъриятининг қуёши А. С. Пушкин ва кўп миллатли совет адабиётининг асосчиси М. Горький номлари билан аталади. Девор ва шифтларида улуғ ижодкорлар нодир асарларининг мавзуини ифодаловчи ранг-баранг паннолар, ганчкорлик безаклари ва юксак сифатли мармарлар бу станцияларнинг кўркига-кўрк бағишлайди.

Трестнинг азамат қурувчилари ҳақида кўплаб илиқ гапларни айтиш мумкин. Улар ойлик план топшириқларини доимо орттириб бажариб келишяпти. Биринчи квартал якунларига кўра СССР Транспорт қурилиши министрлиги ва темир йўл ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди. Олти ойлик топшириқни эса 103,1 процентга адо этишди. Коллектив бундай муваффақиятга ҳам соз, ҳам тез қуриш, илғорлар тажрибасини жорий этиш ва ички резервлардан оқилона фойдаланиш туфайли эришмоқда.

Қуёш борган сари қизидиряпти. Тандирдай қизиган қурилиш майдонида эса иш бир зум ҳам тинмайди... Метрополитеннинг иккинчи участкасини 1980 йил августида фойдаланишга топширишга сўз берган метросозларнинг бугунги шижоатли меҳнати уларнинг ўз сўзлари устидан чиқишига шоҳидлик беряпти.

А. ҚОРЖОВОВ.

ЖУРИАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ» журналининг июль сони «Журналист этикасининг чуқур мазмуни» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг секретари Р. Қосимовнинг «Шарафли жамоатчилик касби» сарлавҳали материали «Ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатини ривожлантиришга — партиявий эътибор» рубрикаси остида эълон қилинган. «Беш йиллик ва матбуот» рубрикаси остида О. Костиковнинг «Фан-техника тараққиётининг олдинги марраси» сарлавҳали мақоласини ўқиш мумкин.

Маълумки, Фарғона ва Андижон область журналистларининг зонал ижодий семинарида матбуотда ахборот проблемаси ҳусусида фойдали фикр олишув бўлган эди. Журналда ана шу семинар ҳақидаги батафсил ҳисобот чоп этилган. Иқтисод фанлари кандидати Б. Раҳимов ва Н. Эшмаматов ўртоқларнинг мақоласида Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетаси саҳифаларида турмуш маданияти, янги урф-одатларни ҳаётда чуқур томир ёйдириш, аҳолига маданий ва коммунал хизмат кўрсатиш проблемаларини ёритишга бағишланган материаллар атрофлича таҳлил этилади. Ҳар галгидек «Тажриба. Ташаббус» рубрикаси остида район матбуотининг фойдали тажрибалари умумлаштирилган бир қатор материаллар ўрин олган. «Журналист журналистика ҳақида» рубрикаси остидаги «Сўзимизнинг қадри» сарлавҳали мақолада В. Жидковнинг «Ҳар бир сўз учун жавобгар» китобига тақриз берилган. «Халқаро болалар йили», «Муҳокама. Мулоҳаза», «Китоб жавони» рубрикалари остида журналхонларнинг кўпгина материаллари, китобларга тақризлар эълон қилинган.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Нукус районидаги «Коммунизм» совхози бодорчиликка ихтисослаштирилган. Хўжалик меҳнаткашлари бу йил камида 3 минг тонна мева, 750 тонна сабзавот, минг тонна полиз, кўплаб узум етиштириш учун баракали меҳнат қилмоқдалар.

Совхоз боғларида етиштирилган сархил олмалардан 900 тоннаси яқинда Хабаровск, Иркутск ва бошқа шаҳарларга юборилди.

— Биз бу йил, — деди совхоз директори Раимбой Жапақов, — биринчи марта Ватанимизнинг турли шаҳарларига кўплаб мева юборяпмиз. Узоқ Шарқ ва Сибирдаги ўртоқларимизга пландаги 600 тонна ўрнига 1500 тонна олма жўнатиш мажбуриятини олдик. Ваъдамизга, албатта, вафо қиламиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.





Қарши чўлини ўзлаштиришда «Каршистепстрой» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Гидрострой» трести қурувчилари барпо этаётган Толлимаржон сув омбори катта аҳамиятга эга. Сув омбори тўла қувват билан ишлай бошлагач, унинг бағрига 1,5 миллиард кубометр сув сиғадиган бўлади. Ҳозир охирги 7-насос станциясида қурилиш ишлари жадал олиб борилаётир.

Чапдаги суратда пайвандловчи В. Бухтиёров, участка мастери А. Мясников ва қурилиш комитетининг раиси Н. Нурматов ўртоқлар галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашаётган пайт. Ўнгда 7-насос станцияси объектининг умумий кўриниши.

Ж. Тўраев фотолари.

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ҒОЯЛАР КУРАШИ

Назария масалалари

Инсоният тарихида ҳақли равишда энг мураккаб ва драматик масалалар қаторига кирадиган миллий масаланинг муваффақиятли ҳал этилганлиги реал социализмнинг буюк ютуғидир. КПСС ленинча миллий сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимиздаги барча синфлар ва социал группалар, миллатлар ва элатларнинг бузилмас бирлиги, халқларнинг чинакам интернационал қардошлиги қарор топишига олиб келди.

I.

Совет давлати барпо этилган тарихий шароитнинг ўзи янги типдаги миллий муносабатларни шакллантиришнинг чинакам жаҳоншумул аҳамиятини белгилаб беради.

Маълумки, революциядан олдинги Россияда иқтисодий жиҳатдан ривожланган миллатлар билан бир қаторда ғоят даражада қолоқлик исканжасида қолган халқлар оз эмасди. Европа ва Осиё қитъаларининг жуда катта кенгликларига ўрнашган бу халқлар турли мамлакатлар ва қитъалар учун типик ҳисобланган, социализмдан олдинги ижтимоий укладлар антагонизми сабабли тарқоқ эди. Хилма-хил турли миллатларга мансуб кишилардан муштарак мақсад ва идеаллар билан жипслашган халқларнинг бузилмас иттифоқини тузиш, миллатларнинг революция туфайли жўш урган куч-ғайратини социалистик қайта тикланиш ирмоғига йўллаш учун жуда катта куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди. Партия сарфлаган ана шу куч-ғайрат Совет Иттифоқини халқлар дўстлиги ва қардошлигининг чинакам университетига айлантирди.

СССР халқларининг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги тараққиёти Ғарбни совет социал ва миллий сиёсати ютуқларини тан олишга мажбур этмоқда. Чунончи, АҚШда нашр қилинадиган, чинакам антикоммунистик йўналиши билан шуҳрат қозонган, «Коммунизм проблемалари» журнали СССР янги Конституциясида баён этилган принципларни «ҳозирнинг ўзидаёқ» амалда бажарилган деб ёзди. «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» журнали эса Тошкентдан берган хабарида Урта Осиё халқларининг турмуш даражаси қўшни мамлакатлардаги халқлар турмуш даражасидан анча юқори эканлигини ва улар ҳеч шубҳасиз ўз тақдирларидан мамнун эканликларини, эришган ютуқларидан фахрланишларини тан оладди.

Ленинча миллий сиёсат, Совет республикаларининг жуда катта иқтисодий ва маданий юксалиши бутун дунё халқларининг эътиборини жалб этмоқда. Бу айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида яққол сезилмоқда. Бу мамлакатларда тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли социализмга, аввало, у миллий масалани қандай ҳал этганлигига қараб баҳо берадилар. «Қора танли» кишилар тенг ҳуқуқлилик учун ҳамон кураш олиб бораётган, мисол тариқасида оладиган бўлсак, буюк Британиядаги Шимолий Ирландия, Канадада эса Франция—Канада каби ғоят кескин проблемалар мавжуд бўлган Ғарбнинг ўзида ҳам СССР халқлари ўзаро муносабатларининг намунаси миллионлаб кишилар ақл заковатига ўтказиладиган таъсир билан ҳисоблашишга тўғри келмоқда.

Бу таъсир билан ҳисоблашмай бўлмайди. Ҳисоблашганда ҳам ўзига хос йўсинда ҳисоблашишга тўғри келади. Социалистик ҳамдўстлик шароитида ҳеч қандай ғоварсиз ривожланиб бораётган ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашиш жаҳоншумул тарихий тенденцияси капитализмни идеологик ва сиёсий жиҳатдан ўзини ҳимоя этишга мажбур қилмоқда. Социализм кучларининг социал ва миллий озодлик учун курашаётган халқларнинг тобора бирлашув жараёни рўй бераётганлиги империалистларни даҳшатга солмоқда. Сўнгги вақтда антикоммунизм идеологларининг, ленинча миллий сиёсатга туҳматлари кучайганлигининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

Янги антикоммунистик кампания машъум «Инсон ҳуқуқлари учун юриш» очиқдан-очиқ шарманда бўлган бир шароитда авж олдирилмоқда. Бир ҳовуч диссидентлар атрофида шов-шув кўтариш амалда бу шов-шув ташаббускорларига қарши бўлиб чиқди. Социалистик тузум бу ҳуқуқларни капитализмга нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражада чуқур ва изчил таъминлаб бераётганлигини СССР Конституцияси қоидалари яна бир бор зўр куч билан тасдиқлаб берди. Буржуазия пропагандаси хизмати социалистик турмуш тарзини камситишнинг янги воситаларини қидириб миллий муносабатлар соҳасига мурожаат қилди, «Ватанфурушлиги» айрим шахслар даражасидан миллат даражасига кўтаришгача» интилди. Антикоммунизм идеологларининг режаларига кўра бу бир томондан, аввалги кампания доирасини сезиларли даражада кенгайтирса, иккинчи томондан, ҳуқуқлар ва эркинликлар тўғрисидаги баҳсларни бошқа соҳага кўчиради, миллий психологиянинг анча сезгир бўлган торларини чертиб кўришга имконият беради. Бу идеологларнинг Элен Каррер д'Анкос (Франция) Ричард Пайпс (АҚШ) Тереза Раковска — Хармстоун (Канада), Хью Сетон — Уотсон (Англия) каби энг ашаддийлари эса Совет Иттифоқининг «Тарқалиб кетишини» орзу қилмоқдалар.

Ғарбдаги буржуазия социологлари орасида миллийлик интернационализм билан уйғунлашмаслиги тўғрисида, бутун дунё бўйлаб гўё тўхтовсиз тарқалиб бораётган «кучли миллатчилик вируси» тўғрисида кенг тарқалган таъбир бундай «пайғамбарликнинг» ўзига хос назария базаси бўлмоқда. Гўё бу вирус географик чегара нималигини билмаган ҳолда ҳар қандай социал системани бир хил куч билан зарарлар эмиш. Буржуазия социологияси миллий омилни қалбакилаштириб уни жаҳон тараққиётнинг асосий ҳаракатига келтирувчи кучи деб кўрсатишга уринмоқда. Аслини олганда реакцион миллатчилик қуроли яна ишга солинмоқда.

II.

Буржуазия социологиясининг традицион кўрсаталарига тўла мувофиқ равишда миллатчилик замон ва мужиҳтдан ажратилиб, уни вужудга келтирган заминдан юлиб олинган ҳолда, социал ва сиёсий омилларни ҳисобга олмай, қараб чиқилмоқда. Улар социал-синфий негизларни бутунлай эътибордан чиқариб ташлаб, «ўзгармайдиган» этник тафовутлар билан «индустриализм» ўртасидаги комплексни «ҳал қилиб бўлмайдиган» миллий масала моҳияти деб билмоқдалар. Бунинг маъноси шундаки, социализм билан капитализмдаги бир-биридан тубдан фарқ қилувчи миллий муносабатлар проблемалари амалда бир хил қилиб кўрсатилади.

Ғарб олимлари миллий жиҳатдан қарор топишнинг жараёнларини характерлашга шундай позициялардан ёндашиб халқларнинг миллий ва мустамлака зулми капиталистик системаси материаллари асосида ишлаб чиқилган тушунчаларидан фойдаланиб, ҳамма жойда фақат миллатчилик ва рақобатни кўрмоқдалар. Юз миллионлаб кишилар пролетар интернационализми байроғи остида янги ҳаёт қураётган, социал ва миллий озодлик учун курашаётган бир вақтда уни ё менсимаётирлар ёки эскириб қолган деб ҳисобламоқдалар. Халқлар дўстлиги, уни қарангки, «мустамлакачиликнинг яна бир турини» жамоатчиликдан ялиниш учун ўйлаб чиқарилган Советларнинг пропагандистик шиори деб эълон қилинмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг самарали интернационаллашиш жараёнини «миллатлар ҳуқуқлари ва ўзига хос хусусиятларига» таҳдид деб кўрсатишга уринишлар давом этмоқда.

Ғарб социологлари социализм даврида миллий муносабатларга баҳо берар экан-лар ҳамма жойда «миллийлик»ни «миллатчилик» билан аралаштириб юбормоқдалар. Улар миллийлик деганда ҳамма архаик нарсаларни кўзда тутиб, улар социалистик хусусиятларга қарама-қарши қўйилмоқда. Шу йўл билан миллатларнинг эркин ва гармоник тараққиёти айнан социализм негизида таъмин этилганлигини шу тариқа атайлаб яширмоқдалар. Суверен Совет республикаларининг уларнинг қардошлик иттифоқини кучайтириш йўлида гуллаб-яшнашига эришаётганлиги, совет кишиси миллий ор-номуси ўсиб бораётганлиги — буларнинг ҳаммасини «келишувчилик тенденциялари» белгилари деб кўрсатмоқдалар.

Ваҳолонки, реал социализм тажрибаси, бутун тарихий тажриба халқларни қардошларча иттифоқ афзал эканлигига, интернационал ҳамкорлик зарурат ва қонуний эканлигига ишонтирмоқда.

Ғарбда бизнинг мамлакатимизда миллий масаланинг муқаррар кескинлашувини қандай қилиб бўлмасин «асослаб бериш»га қаратилган даъволар ва уйдирмаларнинг бутун бир системаси тузилган. Биринчидан, гўё социализм миллий муносабатларга бирон бир янгилик киритмаган эмиш. Жаҳондаги исталган қабилавий ёки кўп ирқли жамиятга хос қабилалараро антагонизм гўё социализмга ҳам хос эмиш. Иккинчидан, Коммунистик партия ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашуви объектив жараёнларига тўла асосланган ҳолда миллатларни яқинлаштириш сиёсатини олиб бораётганлиги гўё «миллийлаштиришга» зид», миллий ҳусусиятларни зўрлик билан йўқотиб юборишга қаратилган эмиш. Учинчидан, янги тарихий бирлик сифатида совет халқи мавжуд эмас эмиш, чунки, антикоммунизм идеологларининг ҳулосаларига кўра гўё кўп миллатли давлат миллатлар ва элатларни зўрлик йўли билан ҳазм қилиб юборувчи воситадан бошқа нарса эмас эмиш. Бу идеологлар юздан ортиқ миллат ва элатларни «ягона совет миллати»га қўшиб юбориш ҳақида ҳамон сафсата сотмоқдалар. Тўртинчидан, интернационалист — совет кишиси йўқ эмиш, чунки СССР гражданлари миллий тилларни, маданиятларни ривожлантириш масалалари ва бошқа масалаларга бефарқ қарармишлар.

Бундай афсона шундай ҳисни уйғотиш — даъват этилганки, қандайдир «миллий элита» — бунда рус ёки рус бўлмаган халқлар ҳақида гап борадими йўқми, бундан қатъи назар миллатларнинг бундан буёнги яқинлашувига қаршилик кўрсатиши ҳамда уларнинг «ҳуқуқ»ларини ҳурмат қилишни талаб этиши керак. Бу эса шу ҳуқуқ замирида бориб турган «ўзликни» талаб қилишдан бошқа нарса эмас.

Бундай даъволарнинг мантиқи ниҳоятда ибтидоий бўлиб, «бу нарса йўқ, чунки бундай бўлиши ҳам мумкин эмас» дейишдан нариги ўтолмайди... Миллатчилик ва унинг жаҳондаги роли схемаларини буржуа ва антикоммунистик марказлар ишлаб чиққан бўлиб, унда халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошира бориб, нифоққа ва ўзаро узоқлашишга нисбатан мустаҳкам иттифоқни афзал кўришга ҳақлари борлиги ва афзал кўраётганликлари умуман тан олинмайди. Совет кишиси — ишчи, колхозчи, зиёлилар миллий доирада чекланиб қолмасдан, ўз миллатининг «устунлиги»ни ҳақидаги тушунчадан эмас, балки ягона мақсад сари интилаётган халқларнинг бирдамлигидан бунёдкорлик куч-ғайрат олаётганлиги Ғарбдаги социологларга ҳаёлий бир нарса бўлиб туюлади.

Социализм шуни исбот қилдики, янада мустаҳкам жипслашишнинг чинакам йўли — миллий тафовутларни зўрлик йўли билан бартараф этишдан иборат бўлмай, балки барча халқларнинг манфаатларини қондириш тўғрисида энг кўп даражада гамхўрлик қилишдан, уларнинг эркин фикр қилиши учун шароит яратишдан ва шу асосда интернационал неъматларга тобора актив яқинлаштиришдан иборатдир.

Социалистик амалиёт буржуа фани мутлақо билмайдиган янги категориялар билан фикр қилишга ўргатади. Бу, масалан, миллий ва интернационал нисбатга алоқадордир. Мазкур тушунчаларга марксчи-ленинчилар асло бир-бирига қарама-қарши нарсалар деб қарамайдилар; социализм даврида улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашуви жараёнининг ажралмас бўғинини ташкил этади. Миллийлик тушунчасининг табиати ўзгариб кетди. Айтайлик, совет кишиларининг социалистик миллий ифтихори ўсганлиги ва миллий ор-номуси ҳурмат қилин-

Қуваликлар ташаббуси асосида

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

Яқинда район миқёсида чорвачиликка бағишлаб ўтказилган бир йиғилишда кўпгина пешқадамлар қатори ташаббускор бир сут соғувчининг номи ҳам қайта-қайта тилга олиб ўтилди. Машинада сут соғишнинг устаси бўлмиш бу аёл «Ленинград» колхози фермасининг жонкуяр ходимларидан бири — Саврихон Кўкиева эди.

Бизни колхоз фермасига олиб келган нарса ҳам шу ташаббускор, айтиш мумкинки, областда ҳам номи тилга тушган моҳир сут соғувчининг ибратли ишлари эди. Биз Саврихон Кўкиевани иш устида кўрдик. Ҳаракатлари аниқ ва чаққон аёл соғиш агрегатлари ишини хушёрлик билан кузатади, гоҳ у, гоҳ бу сигир олдида пайдо бўлади. Моҳир соғувчининг ишини кузатар эканмиз, баъзан унинг мамнун жилмайганини сездик. Ёнимизда турган ферма мудири Тошболта Тошматов ҳазиллашиб изоҳ берди:

— Оператор-соғувчи Саврихон Кўкиева ҳурсанд бўлдими, ишимиз беш. Демак, бугун сутга сут қўшилибди!

Бўни қарангки, ўша куни Саврихонгина эмас, балки унинг дугоналари Тўйдихон Арабова, Ўктамхон Қўчқорова каби қатор соғувчи-операторлар ҳам иш кунини кўтаринкилик ва хушнудлик билан якунлашди. Бунинг тагида гап бор, албатта. Ўз ишининг ҳавасини олган бу қиз-жувонлар қаровларидаги 20—30 бош сигирнинг ҳар биридан ўша куни ўтган кунлардагига нисбатан анча ортиқ сут соғиб олишган эди...

Сут булоғини тошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўзининг яхши самараларини бермоқда. Шу ўринда баъзи бир рақамларни келтириб ўтмоқчимиз. Колхоз чорвадорлари бу йил 250 бош соғин сигирнинг ҳар биридан пландаги 2090 литр ўрнига 2600 литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини олишган. Бу пландаги 610 тонна ўрнига 740 тонна сут тайёрланади демакдир. Ўртадаги фарқ унча-мунча эмас, 130 тонна! Шу миқдордаги қўшимча сутни етиштириб беришни юқорида биз номларини қайд этиб ўтган ўт юрак, тадбиркор чорвадорлар ўз зиммаларига олишган. Пешқадам сут соғувчилар сардори Саврихон Кўкиева эса, «Ўз боқимидаги ҳар бош сигирдан 4 минг килограммдан, жами 120 тонна сут соғиб оламан!» — дея майдонга чиқди. Унинг дугоналари ҳам юз тонначилар сафига қўшилиб, фидокорлик кўрсатмоқдалар. Сут тайёрлаш беш ойлик топшириғи 104 процент адо этилганлиги ҳам ана шу самарали меҳнат натижасидир.

Биз соғувчи-операторлар билан хайр-хўшлашиб, ташқарига чиқар эканмиз, Саврихон Кўкиева бизга:

— Сигирнинг сути тилида деган гап бор, биз сут соғиб олишни кўпайтиришга эришаётган эканмиз, бунинг сабаби ем фабрикамизнинг яхши ишлаётганидан, — деб қолди.

Ем фабрикаси. Ғалатироқ туюлган бу иборани эшитиб, моҳир оператор кўрсатган томонга қараб юрдик. Чиндан ҳам чорва комплексининг ўртасроғига жойлашган турли ҳажмдаги ҳар хил механизм ва агрегатлар гурилаб ишлаб турарди. Булар ҳозир чорвадорларнинг жонига оро кираётган «Волгарь» агрегатидан тортиб, ем-хашак ювадиган, бўғлайдиган, аталайдиган машина ва механизмлар комплекси эди.

Шу пайт агрегат новидан узлуксиз қуйилиб, икки-уч метргача баландлик ташкил этган, майдаланган ем-хашак уюми ортидан икки киши айланиб ўта бошлади. Устбошларига чанг ўтирган бу кишиларнинг ёшроғи район партия комитетининг иккинчи секретари Мадаминжон Ҳошимов, ёнидагиси эса колхоз раиси, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ортиқали Мадумаров экан. Улар боя айтилганидек ем фабрикаси ишини, ем-хашак сифатини кўздан кечириб юришган экан.

Раис блокноти саҳифаларини очиб, бизга бир неча қизиқарли рақамларни айтиб берди: колхоз сут етиштириш юзасидан олинган 740 тонналик мажбуриятини ноябрь ойи ичида адо этади. Бу бир. Бу йил пландаги 290 тонна ўрнига 320 тонна гўшт етиштириш мажбурияти олинган. Шундан 131 тоннаси давлатга сотилиши керак эди. Бу вазифа муваффақиятли адо этилмоқда. Бу соҳада беш ойлик топшириқ 120 процентга бажарилди. 100 минг ўрнига 200 минг дона тухум топшириш мўлжалланган. Бу мажбурият ҳам яқин орада бажарилади. Беш ой ичида қариб 100 минг дона тухум тайёрланди.

— Лекин, — деб таъкидлайди раис, — бу вазифаларни уддалашнинг бирдан бир йўли — мўл-кўл озуқа базаси яратиш. Биз чорва учун камида бир ярим йиллик озуқа жамғаришга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, бу йил 4,5 минг тонна ўрнига 6 минг тонна силос, 2 минг тонна ўрнига 3 минг тонна дағал хашак, 900 тонна ўрнига 1,5 минг тонна сенаж, 1,5 минг тонна қизилча тайёрлаймиз. Булар бари жамланса, чорвамиз учун бир ярим йиллик озуқа дегани бўлади.

Раис пировардида чорвачилик колхоз учун катта фойда келтирадиган тармоққа айланганлигини айтиб, ўтган йили бу соҳадан 112 минг сўмдан ортиқ нақд фойда олинган бўлса, бу йил 146 минг сўмдан кўпроқ соф фойда олиш кўзда тутилаётганлигини айтди.

Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхозида чорвачилик кони фойдага айланган тармоқ бўлиб қолди. Асосий иш жараёнлари механизация зиммасига юклатилган фермалар, бўрдоқихоналарда самарадорлик иш мезони бўлиб қолган.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Ильич район марказига жойлашган сут заводи аҳил коллективи шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда. Корхона Оқолтин ва Ильич районлари хўжаликларидан ҳар куни кўплаб сут қабул қилиб олади. Бу ерда тайёрланган қаймоқ, творог, кефир ва бошқа маҳсулотлар болалар боғчаларига, хўжаликларнинг дала шийпонларига, шифохоналарга пешма-пеш юборилиб турилибди. Завод ишчилари ҳар куни 500 килограмм қаймоқ, 1800 шиша кефир, 2200 килограмм сут ва бошқа маҳсулотлар ишлаб жўнатмоқда. Корхона илғор ишчиларидан Сатралларда: юқоридан — шу Малика Абдурасулова ва Манзура Абдурасуловалар.

А. Тўраев фотолари.

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАЗОРЛАРИДА

ГЕКТАРИДАН 55 ЦЕНТНЕР

Самарқанд областидаги «Боғизоғон» совхозининг Эшмурод Ёдгоров бошлиқ звеноси Зарафшон водийсида бошоқли дон экинларидан рекорд ҳосил етиштиришга эришди. Кузги экинларнинг ҳар гектаридан 55 центнердан дон йиғиштириб олинди. Ғаллакорлар беш йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилган ўз мажбуриятини анча ошириб бажардилар.

Э. Ёдгоров ва унинг ўртоқлари суғориладиган ерларда бир неча йилдан бери доимий экинлар етиштирмоқда. Улар бу йил экишни, ерга гербицидлар солишни, суғоришни энг қулай муддатларда ўтказдилар. Биринчи марта экинзорлар эрта кўклама азотли ўғитлар билан озиқлантирилди. Бу эса ўсимликларнинг ўсишига яхши таъсир қилди.

Ҳозир бу ерда экинлардан бўшаб қолган майдонларга сабзи экилди, карам кўчатлари ўтказилди. Куз фаслида бу майдонлардан иккинчи ҳосил олиб, сўнгра эса ерларни яна ҳайдаб, кузги буғдой ва арпа экиш мўлжаллаб қўйилди.

«Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасидаги бошқа хўжаликларда ҳам бошоқли экинларни ўриб-йиғиб олиш ниҳоясига етай деб қолди. Бу йил ана шу хўжаликда 90 минг гектардан кўпроқ майдонда буғдой ва арпа етиштирилди. Ҳамма жойда ҳосил мўл бўлди. Масалан, Наманган, Фарғона, Андижон ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаларига қарашли совхозларда суғориладиган ва лалми ерларда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 24 центнердан ҳосил олинди.

(ЎзТАГ).

МАШЪАЛ БЎЛИМ ДАЛАСИДА

ГУЛИСТОН. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Ильич районидаги Волков номли совхоз меҳнаткашлари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини ўз ишларида қўлланма сифатида қабул қилдилар. Бу ерда ғўза парвариши Мурожаатда баён этилган қимматли фикрлар асосида олиб борилмоқда. Бўлимлараро социалистик мусобақада республикада хизмат кўрсатган пахтакор Исмонл Носиров бошлиқ коллектив пешқадамлик қилмоқда. Бўлимга қарашли 450 гектар майдондаги ғўзалар деҳқон меҳрига қонаётганлиги туфайли серҳосил бўлиб ўсмоқда. Ҳозирдаёқ ҳар бир туп ғўзада 4—5 тадан кўсак ҳосил қилинган. Бўлим азаматлари гектаридан камида 35 центнердан пахта хирмони кўтаришга ҳаракат қилишмоқда. Эгам Болтабоев, Омон Бобомуродов, Норбой Турсунов, Ўнғар Қайнаров ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари эса ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга шайланишган.

Бўлим пахтазорларида 10 та чопиқ трактори унумли ишлатилиб, ҳар куни 75—80 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда. Қурбон Аёзов, Ортиқ Усмонов, Омон Худойбердиев каби уста сувчилар ўсимликни «шарбат»га қондиришаётир.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МУҲИМ БОСҚИЧ АРАФАСИДА

Польша коммунистлари партия ҳаётидаги муҳим босқичга ҳозирлик кўрмоқдалар. Тез орада ҳисобот-сайлов кампанияси бошланади. Шу кампания давомида Польша Бирлашган ишчи партияси бошланғич ташкилотларининг партия VII съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажариш соҳасидаги ишлари ҳар томонлама ва чуқур анализ қилинади.

Варшава партия ташкилоти ПБИПнинг навбатдаги съездига тайёргарликнинг масъул даврига биринчи бўлиб қадам қўйган ташкилотларнинг биридир. Варшава партия комитети бюросининг бу ерда ўтказилган мажлисида республика коммунистларининг олий анжуманига тайёргарлик соҳасидаги амалий ишларни кенг авж олдиришга ёрдам берадиган конкрет сиёсий-ташкилий тадбирлар белгиланди.

Пойтахт партия ташкилоти ПБИПнинг VII съездидан кейин ўтган даврда бир ярим миллион аҳолиси бўлган Варшаванинг ҳаётида ўзининг раҳбарлик ролини янада кўпроқ мустаҳкамлади. Бу ташкилот кишиларни партия томонидан белгиланган вазифаларни бажаришга муваффақиятли сафарбар қилмоқда. Польша Халқ Республикасининг шонли 35 йиллиги байрами кунларида бу ҳол жуда яққол намоён бўлди. Ўша кунларда варшаваликлардан неча ўн мингдаб киши социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ УЛАН-БАТОР

Республиканинг саноат корхоналари ва бошқа хўжалик ташкилотларида сифат учун курашаётган бригадалар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлидаги умумхалқ кампаниясига катта ҳисса қўшмоқдалар. Улан-Батордаги чарм-галантерея корхонасининг ишчиси, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хуралининг депутати Д. Доржсорог ана шу ташаббусни бошлаб берди. У бошчилик қилаётган коллектив бутун маҳсулотни биринчи категорияда ишлаб чиқармоқда.

✦ ИСЛОМОБОД

Покистон президенти Зиёул Ҳақ миллий радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқида дефицитни камайтириш мақсадида 1979—80 молия йилида федерал ва вилоят бюджети бўйича ривожланиш программаси 800 миллион рупия ва «ўринсиз ҳаражатлар» 550 миллион рупия миқдорида қисқартирилажагини айтди.

✦ ҚОҲИРА

Миср Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили ва Ғазо секторидаги Фаластин аҳолисига «мустақил автономия» бериш масаласи юзасидан «амалий ҳужжат» ишлаб чиқди.

Газета «амалий ҳужжат»нинг мазмунини очиб бермайди. Аммо бу «ҳужжатда гап «автономия» планини тезроқ амалга оширишга қаратилган конкрет таклифлар тўғрисида бораётганлигига шама қилади. Ана шу планни Қоҳира билан Тель-Авив араб халқидан яшириб, ўзаро келишиб олган эди. Бу план асосини олганда Ғарбий соҳил ва Ғазо сектори устидан Исроилнинг ҳарбий назоратини абадий сақлаб қолишни кўзда тутади.

(ТАСС).

ҚУБА КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Куба пойтахтининг ҳамма кўчаларида «6» рақами ёзилган плакатларни кўриш мумкин. Бу рақам халқаро жамоатчиликнинг ҳаётида йирик воқеа яқинлашиб қолганлигидан дарак беради. Блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг VI конференцияси Гаванада очилишига қадар бир ойдан кўпроқ вақт қолди. Бу конференция Лотин Америкасида биринчи марта ўтказилади.

Блокларга қўшилмаган ҳаракат олий анжуманини Ғарбий ярим шардаги биринчи социалистик давлат пойтахтида ўтказиш тўғрисидаги қарорни миллионларча кубаликлар зўр ифтихор ва масъулият туйғулари билан кутиб олдилар. Бу Кубанинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсганлиги эътироф этилганлигидан, унинг бу ҳаракатдаги роли, халқларнинг империализмга қарши, мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги актив иштирокига юксак баҳо берилганлигини кўрсатади.

Гавана конференцияга қатнашадиган 80 дан знёд давлат вакилларини кутиб олишга шай бўлиб турибди. Яқинда Конгресслар саройи қурилди. Ҳозир бу ерда ускуна ва жиҳозлар ўрнатиш тугалланмоқда, алоқа техникаси синаб кўрилмоқда. Пойтахтнинг хушманзара районларидан бирида — денгиз соҳилида кўп қаватли меҳмонхона қурилиши битай деб қолди, Кубанинг меҳмонлари истиқомат қиладиган бошқа меҳмонхоналарнинг ремонти тамомланмоқда.

Жаҳондаги кўп мамлакатларнинг матбуоти яқинда ўтказиладиган анжуман муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқда. Перуда чиқадиган «Коррео» газетаси ёзади: Гаванадаги учрашув блокларга қўшилмаслик ҳаракати сафларини ва ҳаракат қатнашчиларининг ўз озодлиги учун курашаётган халқлар билан бирдамлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлиб қолади. (ТАСС).

ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ДЕҲЛИ. Президент саройида Ҳиндистоннинг янги бош министри Чаран Сингх ва унинг ҳукуматидаги 8 министр қасамёд қилди.

Я. Б. Чаван бош министрнинг ўринбосари ва ички ишлар министри қилиб, Ш. Н. Мишра ташқи ишлар министри, Х. Н. Бахугуна молия министри қилиб тайинланди.

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ

Контрреволюционер гуруҳлар Афғонистоннинг шарқидаги Лохур ва Пактиё вилоятларида тинч аҳолига босқинчилик қилиб, эксинзорларга ўт қўйдилар, қишлоқларни вайрон қилдилар, хотин-қизлар, болалар ва кексаларни ўлдирдилар. Покистондан Афғонистон территориясига суқилиб кириб олган қуролли бандитлар ўтган ҳафтада шундай жиноятларни қилдилар. Улар Покистондан қурол-яроғ ва ўқдори олганлар, махсус лагерларда одамларни ўлдириш, талаш ва диверсия қилиш «санъати»ни ўрганганлар. Афғонистон Демократик Республикаси Ички ишлар министрлигининг масъул вакили ТАСС мухбири билан суҳбатда шу тўғрида гапирди.

Хитой, Америка ва Покистонда ишлаб чиқарилган ва бандитлардан қўлга олинган қурол-яроғлар, ҳужжатлар ҳамда асирларнинг сўроқда айтган гаплари, деб хабар қилди вакил, империалистик давлатлар, Хитой ва Покистоннинг муайян доиралари контрреволюцияга молиявий ва моддий жиҳатдан катта ёрдам берганлигини исбот қилади. Миср режими ҳам агрессия хуружларини тайёрлашда анча катта роль ўйнаяпти.

Афғонистон Демократик Республикаси Ички ишлар министрлигининг вакили яна бундай деди: афғон халқининг муваффақиятли империализм ва реакциянинг дидига ёқмаётир. Афғон халқи эксплуататорларни ўз мамлакатидан ҳайдаб чиқарди ва мустақил сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиёт йўлига ўтди. Империализм ва реакция регондаги вазиятни қасддан кескинлаштириб, Афғонистонни ўз таъсирига яна бўйсундириш, мамлакатда ер ислоҳотини ва бошқа прогрессив социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишга тўсқинлик қилиш учун уринмоқдалар. Кейинги вақтларда ўзини «Эркин Қунар» (Покистон билан чегарадош жойдаги Қунар вилояти) деб атаган радиостанция Афғонистонга қарши актив пропаганда олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Чет эл манбаларидан пул билан таъминланаётган бу радиостанция ҳар куни Афғонистондаги халқ тузумига қаршн қаратилган разил туҳмат гапларни тарқатмоқда.

Афғонистон Демократик Республикаси Ички ишлар министрлигининг масъул вакили сўзининг охирида бундай деди: Афғонистон меҳнаткашлари контрреволюциянинг чин қиёфаси ва жиноий мақсадларини яхши билиб олдилар. Улар мамлакат мустақиллигини ва Апрель революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилишга қатъий қарор бергандикларини билдирмоқдалар.

(ТАСС).

ПЕКИН «КЕЧИРИМ СЎРАЯПТИ»...

Эрон телевидениеси қуйидагиларни хабар қилди: Покистон президентининг ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси оятилло Ҳумайний билан учрашган вақтда Хуа Гофэннинг оғзаки гапларини унга маълум қилди. Хуа Гофэн ўтган йилнинг август ойида Эронга қилган визити учун «кечирим сўрайди». «Мен ағдариб ташланган шоҳ ҳукмронлиги вақтида Эронга қилган визитим учун Ҳумайнидан кечирим сўрайман ва Эрон Ислом Республикасини қўллаб-қувватлаётганлигимни билдираман», дебди Хуа Гофэн.

Маълумки Хуа Гофэннинг Эронга визити шунчаки «иллифот визити» эмас эди. Кузатувчилар бу визитни мухокама этиб, ХХР Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларида, аввало нефть қазиб чиқарилаётган мамлакатларда ўз таъсирининг таянч нуқталарини вужудга келтиришга очиқдан-очиқ интилаётганлигини яқдиллик билан таъкидладилар. Шу билан бирга бошқа бир нарса ҳам уқтириб ўтилган эди. — Хитой раҳбари реакцион шоҳ режими империалистик доираларнинг, аввало АҚШнинг ҳаракати билан ҳали ҳокимият тепасида турган ва чуқур тангликка учраган, шоҳнинг қонли диктатурасига қарши халқ норозилиги тўлқини тобора кучайган бир пайтда Эронга сафар қилган эди.

Хуа Эронда бўлган кунларида шоҳнинг сиёсатини қўкларга кўтариб мақтади. Пекин вакилига Теҳроннинг рамзий «олтин калити» тантанали вазиятда топширилган вақтда чет эл матбуоти Тебризидаги оммавий ғалаёнлар тўғрисида, бу ерда полиция намойишчиларни ўққа тутганлиги ҳақида, Сари, Кережда ва бошқа шаҳарларда шоҳга қарши намойишлар ўтказилганлиги тўғрисида, армияга «тартибни назорат қилиш» топширилганлиги тўғрисида, шоҳнинг махфий полициясининг САВАК зиндонларида ватанпарварлар кўплаб қатл этилганлиги хусусида хабар берган эди. Англияда чиқадиган «Дэйли телеграф» газетасининг ёзишича, жаҳон ўша даврда «икки раҳбар — Эрон шоҳи билан Хуа Гофэн ўртасида жуда ажойиб шахсий муносабатлар ўрнатилганлигини» билиб олди. Кубанинг «Гранма» газетаси ўша пайтда қуйидагиларни ёзган эди. «Антикоммунизм Эрон сиёсатига илҳомбахш этган, Эрон маъмурлари халқ ҳаракатини бостириш учун ҳамма воситаларни ишга солган бир пайтда, Хуа Гофэн Теҳронга қилган сафари муддатини узайтиради, шоҳ билан «дўстона мусобаталларини намойиш қилади». Парижда чиқадиган «Матэн» газетаси «Хуа Гофэн мислсиз тангликка учраган режимни қўллаб-қувватлаётганлигини пинҳона айтди», деб уқтириб ўтди.

Эндиликда Эронда бўлган революция натижасида реакцион шоҳ режими ағдариб ташланганидан буён ярим йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин Пекин халққа душман бўлган ана шу диктатурани қўллаб-қувватлаганлиги учун Хуа Гофэн орқали «кечирим» сўраяпти ва «кескин бурилиш» ясаб, «Эроннинг янги ҳукуматини қўллаб-қувватлаётганлиги»ни билдиради. Ана шу сохта «кечирим» сўрашлар билан қонхўр шоҳ режимининг минг-минглаб қурбонларига яна ҳаёт бахш этиш мумкин эмиш. Қонхўр шоҳ режими халққа қарши фаолиятида ташқаридан олинган мададга, шу жумладан Пекиннинг ҳам мададига таянганлиги ҳаммага аёндир».

Ю. КОРНИЛОВ,
ТАССнинг сиёсий обзорчиси.

ниши, уларда СССР халқларининг муштараклигининг буюк туйғуси туғилиши ва мустаҳкамланишига, интернационал онгнинг шакланганлиги ва ривожланганлиги ҳақиқатдаги ҳаётий аҳамиятгагина молик бўлиб қолмай, бу жараённи умуман мамлакат экономикасининг ўсиши билан боғлаган ҳолда кўриб чиқиш керак. Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи республиканинг ўзида етиштириладиган пахта ҳосилигагина эмас, Урал ва Ленинград машинасозларининг, Кузбасс шахтерларининг, Қозоғистондаги ғаллакор совхозларнинг, Белоруссиядаги электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқарувчиларнинг ва шу «сигиларнинг ишига ҳам боғлиқдир.

1979 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки натижаларини кўздан кечирар эканмиз, иттифоқдош республикалар аҳолисининг сони тўғрисидаги графада унинг ўсиш суръатларида тафовут борлигини билиб олиш қийин эмас. Масалан, 1979 йилда бутун мамлакат аҳолисининг сони 1970 йилдаги даражага нисбатан 109 процентни ташкил этган бўлса, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссияда 106, Грузия ва Латвияда 107, Эстонияда 108, Литвада 109, Молдавияда 111, Қозоғистонда 113, Озарбайжонда 118, Қиғизистонда 120, Арманистонда 122, Туркманистонда 128, Ўзбекистонда 130, Тожикистонда 131 процентни ташкил этди.

Иттифоқдош республикалардан кўпчилигининг аҳолиси асосан табиий ўсиш ҳисобига кўпайди. Айни вақтда аҳоли сонининг ўсиш суръатларидаги тафовут ССР Иттифоқининг умумий манфаатларини кўзда тутиб, айрим республикаларнинг экономикасини жадал ривожлантириш борасидаги эҳтиёж — талабларга кўра рўй бериши мумкин. Кадрларнинг бошқа жойлардан бу республикаларга кўплаб келиши шу билан боғланган. Давлат бу омилларни, шу жумладан, кўпинча бевосита таъсир ўтказиш қийин бўлган жараёнларни эътиборга олиб, бутун мамлакат миқёсида ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштиришга, ишчи кучларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Аммо «советшунослар» демографик характердаги тафовутларни рўкач қилиб, бу тафовутлар СССРнинг тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаб, доғ туширишга ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдилар. Улар мамлакатимизнинг халқларини ирқий, миллий ва диний белгиларга қараб бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринмоқдалар. Масалан, «СССРда мусулмонлар таҳдидининг ўсиши» борасида шовқин-суронлик билан ўтказилаётган кампаниянинг сарқ чақалик қиймати йўқ, бу кампаниянинг ташқилотчилари ўтмишдаги диний адоват қолдиқларини бўрттириб кўрсатадилар ва атеистик эътиқодни, меҳнаткашларнинг янги, социалистик анъаналарга тарафдор эканлигини эсларидан чиқариб қўядилар.

Миллий туйғуларни ғаламислик билан рўкач қилиш йўлидаги ана шундай уриниш ҳам, — бунда гап Ўрта Осиё ёки Қозоғистон, Украина ёки Болтиқ бўйи республикалари ҳалқлари тўғрисида, яҳудий ёки немис миллати меҳнаткашлари тўғрисида борадими, бунинг фарқи йўқ, — синфий душманларимизнинг СССРда яшовчи халқлар ўртасидаги мустаҳкам интернационалистик алоқаларга ва бузилмас бирликка жон-жаҳди билан путур етказишга кўпдан бўён интилиб келаётганлигини акс эттиради. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Коммунизм қурилиши Советлар мамлакатида синфлар ва социал группаларни, миллат ва элатларни бир-бири билан яқинлаштирди, уларни юксак типдаги бирликка — социал ва интернационал бирликка жиплаштирди. Бу ҳол гражданларнинг тафаккурини одатдаги, тамомила табиий бўлган тушунчалар — «бу — меники, миллатимники, республикамники» деган тушунчалар доирасидан ташқари чиқариб, совет кишиларида масалага давлат нуқтаи назаридан ёндашишни таркиб топтирди.

СССРда миллатлар ривожланиб бормоқда, аммо улар эндиликда жуда кенг ва яхлит бирликнинг — совет халқининг таркибий қисми сифатида ривожланмоқдалар. Жамиятимизда социал бир хилликнинг кучайиб бораётганлиги, барча миллат ва элатларнинг интернационал бирлиги уларни «миллий хусусиятларни тугатиш» сари эмас, балки қуроқ, жиплашиш сари бошлаб борянти. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақидаги докладида шу масалага тўхталиб, бундай деди: «Совет халқларининг дўстлиги бузилмасдир, коммунистик қурилиш жараёнида улар бир бири билан муттасил яқинлашиб бормоқдалар, улар ўзларининг маънавий ҳаётларини ўзаро бойитмоқдалар. Аммо биз миллатлар ўзаро яқинлашувининг ана шу объектив жараёнини сунъий равишда жадаллаштира бошласак, хатарли йўлга ўтган бўлур эдик. В. И. Ленин бундан қатъиян огоҳлантирган эди ва биз унинг васиятларидан асло чекинмаймиз».

Миллий муносабатлар ҳозирги куннинг реал ҳодисаси бўлиб қолмоқда. Миллий муносабатларга эски тузумнинг қандайдир қолдиги, сарқитидир, бу сарқитлар билан муроса қилишга тўғри келади, чунки ундан қутулиш иложи йўқ, деган фикр илмий дунёқарашга зиддир (бунда лоақал Хитойдаги «маданий революция» даврида миллатларни, элатларни зўрма-зўраки «тугатиш»га уриниб кўрилганлигини эслатиб ўтайлик). Бунда гап масалага шундай ёндашилган тақдирда «миллий» деган тушунча билан «миллатчилик» тушунчасини бир хил нарса деб талқин қилиш тўғрисидагина бормаётир. Миллий хусусиятларга етарли баҳо бермаслик уларни амалда социализм ва коммунизм қуриш йўлида интернационал омиллар билан қўшиб олиб борган ҳолда бу хусусиятлардан фойдалана билмаслик ва фойдаланишни истамасликдан ҳам далолат беради.

Миллий туйғуларга келганда, шуни айтиш керак, КПСС бу туйғуларга ҳамиша эътибор билан қараш зарур эканлигини таъкидлаб келди. Аммо бу туйғуларни бўрттириб юборишлари мумкин эканлигини ҳам сезмай қолиш мумкин эмас. Ана шу туйғуларни бўрттириб юбориш қутилмагандек туйилган бир ҳолатни туғдириши — у ёки бу республиканинг, у ёки бу миллатнинг хўжалик, маданий қурилишда эришган муваффақиятлари билан таллтайиб кетиш, мазкур миллатнинг шу ютуқларга қўшган ҳиссасини бир томонлама қайд этиш, бошқа миллат меҳнаткашларининг ёрдами, шунингдек халқларнинг ўзаро қардошларча кўмагини камситишга ёки буни унутиб қўйишга олиб келиши мумкин. Буржуа пропагандаси шу хилдаги ҳодисалардан ўзининг разил мақсадлари учун зўр бериб фойдаланади.

Октябрь мамлакатида катта ва кичик ҳар бир халқнинг чинакам миллий бойликларига зўр эътибор билан қаралмоқда. Шу билан бирга ўзининг ҳаётимизда интернационал бойлик тобора катта аҳамият касб этмоқда. СССРнинг ҳар бир граждани янги тарихий бирликка мансуб эканлигини астойдил тушунади. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, улуғ совет халқининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Реакцион идеологларнинг бундай жараёнларни «зўрма-зўраки ийғунлаштириш» ва «миллий хусусиятларни тугатиш» деб талқин қилишга уринишлари тамомила беҳуда уринишдир. СССР, бутун социалистик ҳамдўстлик халқларининг интернационаллашув йўлидаги ҳаракати миллий бойликларни эркин, жадал айирбошлашни кўзда тутади. Бу эса халқларнинг турмушини яна ҳам тўлақонли, сермазмун қилади.

Социализмнинг тарихий практикаси, бизнинг халқимиз, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа халқлар намойиш қилаётган интернационализм буржуа идеологлари даъво қилганидек, миллатчилик эмас, балки интернационализм, халқларнинг социалистик қардошлиги келгусида тантана қилажагига амин бўлиш учун ҳамма асосларни беради.

Э. БАГРАМОВ,
профессор, фалсафа фанлари доктори.

(«Правда» 1979 йил 26 июль).

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ЁЗГИ VII СПАРТАКИАДАСИ

ИМКОНИЯТЛАР ВА ЎРИНЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАХСУС МУХБИРИ Ҳ. НОСИРОВ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

- ЯНА 36 МЕДАЛЬ ҚОЛДИ, УЛАР КИМЛАРГА ТЕГАРКИН
- ЎЙИН ТУГАШИГА БИР МИНУТ ҚОЛГАНИДА
- БРОНЗА НАКД, ЛЕКИН КУМУШ Е ОЛТИН БЎЛСА ҲАМ ЕМОН БЎЛМАСДИ
- КЕЧИККАН ЮТУҚЛАР
- ТЕМУР ПОДМАРЕВНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Спортчиларнинг йирик анжумани — Спартакиада мусобақалари якунланмоқда. Ғолибларга мўлжалланган 242 комплекс медалдан бор-йўғи 36 та қолди. Яна беш кунлик курашдан кейин бу совринлар ҳам ўз эгаларини топади. Мусобақалар эса Москва, Киев, Ленинград, Вильнюс шаҳарларида давом этмоқда.

Нева соҳилидаги кўркам шаҳар — Ленинграддан хабар келди. Бу ерда Спартакиада ғолиблиги учун курашган чим хоккейчилар мусобақасига якун ясалди. Чемпионлик бу сафар қозоғистонлик хоккейчиларга насиб этди. Улар РСФСР командаси билан сўнгги учрашувда (1:1) очколарни баҳам кўриб, коэффициентлар ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Учинчи ва тўртинчи ўринлар учун кураш Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида давом этди. Учрашув тугашига бир минут қолганда ҳисоб (1:1) эди. Лекин вакилларимиз кутилмаганда яна бир тўп ўтказиб юбориб имкониятни бой беришди. Шундай қилиб хоккейчиларимиз тўртинчи ўринда қолдилар.

Бу ерда оғир атлетикачилар мусобақаси давом этмоқда. 82,5 килограмм вазнли полвонлар бахсида хизмат кўрсатган спорт мастери Ю. Барданян икки марта жаҳон рекорди ўрнатди. У даст кўтаришда 175 килограмм натижага эришиб, силтаб кўтаришда 215 килограммли штангани елкаси узра муаллақ тутди. Мусобақада иштирок этган ўзбекистонлик Лутфи Куртаметов 345 килограммлик натижа билан олтинчи ўринни эгаллаб, қимматли очколар келтирди.

Ватанимиз пойтахтида ўтказилаётган чарм қўлқоп усталарининг учрашувлари, дзюдочиларнинг беллашуви мухлисларда катта қизиқиш уйготмоқда. Боксчилар саралаш учрашувларини ниҳоясига етказиб, ҳеч бўлмаганда бронза медали олиш имкониятини берадиган финал бахсларга йўлланма олиш учун астойдил курашмоқдалар. Республикамиз боксчиларидан ҳозирча икки нафари ана шундай имкониятга эга бўлиб турибди. Улардан Усен Омаров 48 килограмм вазнли боксчилар орасида курашни давом эттирмоқда. У ярим финалда грузин боксчиси Олег Деулин билан куч синашди. 75 килограмм вазнли Владимир Шин ҳам ярим финалга чиқиб, бронза медалини нақд қилиб қўйди. Куни кеча икки боксчимиз ўйиндан чиқишди. 60 килограмм вазнли Дмитрий Грубов белоруссиялик Ю. Прохоровга ютқазиб қўйди. Умидли боксчимиз фарғоналик Феликс Пак эса қозоғистонлик спорт мастери С. Нурказовдан енгилди. У учрашувнинг биринчи қисмида нокдаунли зарба олди. Мусобақа охиригача чарчаб қолганлиги сезилди. Зарбалари аниқ нишонга бормади. Шундай қилиб, халқаро классли спорт мастери Ф. Пакнинг ўн тўққиз ёшли боксчидан енгилиши муҳлисларни ҳайратга солди. Бугун Владимир Шин билан Усен Омаров навбатдаги учрашувни ўтказадилар.

Дзюдочилар ўртасида беллашувлар давом этмоқда. 85 килограммдан зиёд вазнли полвонлар мусобақасида вакилимиз В. Сободиров бронза медалини қўлга киритгач, кураш гиламига республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилиш учун Александр Довженко тушди. У 95 килограмм вазнли полвонлар билан курашда ўйиндан чиқишга мажбур бўлди. У биринчи учрашувда ленинградлик В. Косенкога ютқазиб қўйди. Кеча 86 килограмм вазнли дзюдочилар ҳисобида яна бир вакилимиз Гаффор Остонаев ғолиблик учун курашди.

В. И. Ленин номли Марказий стадион бассейнида ўтказилган сузиш мусобақаларида Литва вакили Робертас Жулпа 200 метрга чалқанча сузишда СССР рекордини янгилади. Ўзбекистон вакили Темур Подмарев иккинчи натижа кўрсатиб, кумуш медаль совриндори бўлди.

Волейболчилар бахси қизғин курашларга айланмоқда. Аёлларимиз фахрли ўринлар учун курашмоқдалар. Эркаклар командаси эса 13—16 ўринлардан бирини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Йигитларимиз Молдавия командаси билан учрашувда 3:2 ҳисобида устун келдилар. Эркаклар командалари ўртасида москваликлар пешқадамлик қилишмоқда. Республикамиз аёллар командаси икки учрашувда мағлубиятга учрашди. Япония ва Ленинград командаларига имконият бой берилди. Аёллар командаси ўртасида кубалик волейболчилар олдинда боришяпти.

Футбол мусобақалари ҳам қизғин давом этмоқда. 9—12 ўринлар учун мусобақалашаётган республикамиз терма командаси қаторасига икки ютуққа эришди. Дастлаб футболчиларимиз Озарбайжон терма командасини 3:1 ҳисобида енгдилар. Тўпларни Федоров, Баканов ва Эшбўтаевлар киритишди. Кейинги учрашувда Латвия командаси устидан 2:1 ҳисобида устун келишди. Дастлабки тўпни Чуркин йўллаган бўлса, Латвия командасининг ўйинчиси Деглис ўз дарвозасини нишонга олди. Жавоб тўпини Романенков 11 метрли жарима нуқтасидан киритди.

Спартакиаданинг ҳар бир мусобақаси қизғин курашлар билан ўтмоқда. Спортчилар қимматли очколар тўплашга ҳаракат қилишяпти. Республикамиз вакиллари ҳам командамиз мавқеини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Волейбол бўйича Ўзбекистон терма командаси билан Япония командаси ўртасидаги мусобақа ғоятда қизғин ўтди. Суратда: икки команда ўртасидаги ўзаро ўйин пайти тасвирланган.

СОВРИНДОРЛАРИМИЗ БИЛАН ТАНИШИНГ

МАТОНАТ СИНОВИ

Эркин кураш ишқибозлари бу хушхабарни жуда орзиқиб кутишди. Лекин унга эришиш осонликча бўлмади. Ҳатто қуръа ҳам Энверга монелик қилаётгандек эди. Биринчидан, у саралаш учрашувларида кучли полвонлар қаторига тушиб қолди. Саккиз нафар курашчининг ҳаммаси чемпионликка нақд даъвогар эди. Бунинг устига, мусобақа шундай кечдики, ҳамюртимиз бир кунда қаторасига беш марта беллашди. Кундузги беллашувларда қўлга киритилган учта ғалаба Энвер Абдурамановни рўҳлантириб юборди. Бирин-кетин тожикистонлик Ҳ. Карпиновни, белоруссиялик студент О. Баговонни ютди. Арманистонлик халқаро классли спорт мастери Ф. Багдасарян билан олишув осон бўлмади. Энвер бунда ҳам очколар бўйича ғолиб деб топилди.

Кечқурун халқаро классли спорт мастерлари — Озарбайжон вакили Ш. Гереев, Украина вакили С. Белоглазов ва ҳамюртимиз Э. Абдураманов беллашишди. Энвер кундузги учрашувларда анча куч сарфлаб қўйган эди. Шундай бўлса ҳам, сир бой бермади. Шамил Гереев билан олишув айниқса ҳаяжонли ўтди. Учрашув тугашига нақ ўн икки секунд қолганида ҳам умумий ҳисоб 7:6 билан рақибнинг фойдасига ҳал бўлаётган эди. Тўрт секуннддан кейин учрашув тўхтатилиши керак. Шунда Энвер севган усулини қўллаб, учрашувни ўз фойдасига ҳал этди.

Энди олтин медаль учун курашгани гиламга чиқди. Лекин кетма-кет олишувда анча куч сарфлаб қўйгани сезилиб турарди. Шунга қарамай, рақиби Белоглазов билан теппатенг олишди. Кутилмаганда тойиб кетиб, ўзини ўнглайолмади. Бикинини ушлаб қолган Энверни врачлар курашга қўйишмади.

Аркадий Ванюшиннинг шогирди қаторасига учинчи марта СССР халқлари Спартакиадасида иштирок этиб, биринчи бор шундай муваффақиятга эришди. Айтмоқчи, спартакиада билан бирга эркин кураш бўйича айни вақтда СССР Спорт комитетининг совринни учун ҳам мусобақа ўтказилди. Командамиз ветерани ғарчи учинчи ўринни олган бўлса ҳам, совет спортчилари орасида иккинчи совринли ўринга эришгани учун кумуш медалга бериладиган очколар олади. Олтин медаль Япония курашчиси Масакига бериладиган бўлди.

Суратда: эркин кураш бўйича 57 килограммгача вазндаги полвонлар орасида бронза медалига сазовор бўлган ўзбекистонлик спортчи Энвер Абдураманов.

Ҳ. Ҳайдаров фотолари.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1979-80 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

техникум топограф-техниклар, инженерлик геодезияси техниклари, аэрофотограмметрчи-техниклар, картограф-техниклар тайёрлайди.

Техникумда ўқиш муддати 8-синф маълумотига эга бўлган кишилар учун 3 йилу 9 ой, 10-синф маълумотига эга бўлган кишилар учун 2 йилу 9 ой.

Техникумни тамомлаб чиққанларидан кейин йигитларга запасдаги офицер унвони берилади. Лаборатория-технограмметрчи-техник ва картограф-техник ихтисосларига қизлар, шунингдек Совет Армияси сафларида хизматни адо этиб келган йигитлар қабул қилинади.

10-синф маълумотига эга бўлган кишилар группасига кирувчилар: рус тили ва адабиёти (ёзма); математика (оғзаки).

Техникумга қабул қилиш тўғрисидаги ариза директор номига ўрта мактабни тамомлаганлардан 10 августгача қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўтказилади. Студентликка қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келган кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 82-уй (17, 71, 69-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Ўнивермаг» бекати).

СССР ҚУМИР САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ, ҚУМИР САНОАТИ ИШЧИЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПРЕЗИДИУМИ, КОМПОЗИТОРЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ СЕКРЕТАРИАТИ

1980 йил 1 майгача

СОВЕТ ШАХТЕРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Конкурсда якка хонанда ижро этадиган қўшиқлар, солистлар учун хор билан айтиладиган асарлар, вокал ансамбли ёки хор учун асарлар «Совет шахтёрлари тўғрисида қўшиқлар яратиш учун конкурс» деган белги билан қуйидаги адресга тақдим этилади: Москва шаҳри, Нежданова кўчаси, 8/10-уй. СССР Композиторлар Союзи.

АВТОРЛАРНИ (композиторлар ва шоирларни) ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР ЯРАТИШДА РАҒБАТЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНДИ:

1.200 сўмлик битта биринчи мукофот;

ҳар бири 800 сўмдан иккита иккинчи мукофот;

ҳар бири 400 сўмдан иккита учинчи мукофот;

ҳар бири 200 сўмдан бешта рағбатлантириш мукофоти.

ҚУШИҚ ТЕКСТЛАРИ МУЗИКАСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ, ҚЎЛЁЗМАЛАР ҚАЙТАРИБ БЕРИЛМАЙДИ.

«Средазуголь» бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

марксизм-ленинизм кафедраси бўйича катта ўқитувчилар: КПСС тарихи (тарих фанлари кандидати), марксча-ленинча фалсафа, (фалсафа фанлари кандидати), сиёсий иқтисод (иқтисод фанлари кандидати, рус тилида лекция ўқиш учун);

марксча-ленинча фалсафа кафедраси ассистенти;

тиллар кафедраси ўқитувчилари: рус ва инглиз тиллари.

КОНКУРС МУДДАТИ — 25 АВГУСТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-15, Кафанов кўчаси, 35-уй.

Ўзбекистон ССР прокуратураси раҳбарлиги ва коллегия Жиззах область прокурори Р. Р. Расуловга оғаси Робия БЕКЕНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Илёс Муслим—70 ёшда

БАХТИЁР БОЛАЛИК ҚУЙЧИСИ

Ўзбек совет болалар адабиёти равнақига муносиб ҳисса қўшган таниқли шоир, таржимон ва ношир Илёс Муслим етмиш ёшга тўлди. Унинг ижоди. 30 дан зиёд шеърий китобларига жамланган асарлари ўзбек совет болалар адабиёти ҳазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди ва қўшилмоқда.

Илёс Муслим 1909 йилда Қирғизистонинг Фрунзе (собиқ Пишпак) шаҳрида дунёга келди. У бошланғич маълумотни Пишпак шаҳридаги Нариманов номли мактабда олади. Кейинчалик Тошкентга келиб ўзбек эрлар билим юртида таҳсил кўради. И. Муслим билим юртини муваффақиятли якунлаб, ўқитувчилик қилади, айни пайтда муттасил шеърлар ҳам машқ қилади. Бу эса унинг болалар психологиясини чуқурроқ ўрганишига замин ҳозирлайди.

Ёш шоир «Комсомоллар», «Эрк боласи», «Эркин сингилимга», «Деҳқон сўзи», «Усиш», «Ҳужум саводсизликка!» сингари илк асарларидаёқ янги ҳаёт бунёд этаётган совет кишиларининг матонатли курашини ҳаққоний тасвирлайди.

Биринчи беш йилликлар даври Илёс Муслим учун ҳаёт қатламлари ичига тобора чуқурроқ кириб бориш, бадиий ижод сирларини пухта эгаллаш йиллари бўлди. Шоир 1931—1942 йиллар ичида ЎзССР Давлат нашриёти, Бадиий адабиёт нашриёти ҳамда болалар адабиёти нашриётларида редактор, бош редактор, директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Унинг дастлабки асарлари 1932 йилда «Усув» ва «Заҳарҳандалар» номи остида тўплам ҳолида нашр этилди. Ёш ижодкор «Усув» тўпламига кирган шеърларида Улуғ Октябрь Социалистик революцияси туфайли мамлакатимизда турли миллатга мансуб кишилар озод ва фаровон ҳаётга эришгани, буниинг учун улар В. И. Ленин тузган шонли Коммунистик партия ҳамда Совет ҳокимиятидан чексиз миннатдор эканларини зўр пафос билан куйласа, «Заҳарҳандалар» тўпламига жамланган асарларида қудратли халқ оқимига қарши турмоқчи бўлган янги ҳаёт душманларининг ярамас кирдикорларини фош қилади.

Илёс Муслим Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларнинг олдинги марраларида бўлди. Оғир яраланган, Белоруссия фронти қўшинларининг «Қизил Армия» газетасида ҳарбий мухбир сифатида фаолиятини давом эттирди. Оташин шоир жанг майдонларида ҳам бадиий ижод қилишни тўхтатмади. У қудратли қурол — жанговар қалам билан босқинчиларга қарши аёвсиз ўт очди. Шоирнинг ўша даврда яратилган «Ёвни тутдай тўкамиз!», «Москва!», «Ватан ўғли», «Гулдастамиз армуғон!», «Тўпчиларга», «Маршрут — Берлин!», «Салют шуъласида» шеърлари фикримизнинг далилидир.

50—60-йилларда шоирнинг ижодий биографияси янада бойиди. Унинг «Турналар» (1952), «Бизнинг мактаб» (1954), «Сенинг совғанг» (1957), «Тилла қўнғиз» (1960) тўпламлари кетма-кет нашрдан чиқди.

Она-Ватан, доҳиймиз В. И. Ленин ва Коммунистик партия мадҳи Илёс Муслим ижодида алоҳида ўринтутади. У болаларнинг ўқишидан тортиб, меҳнат аҳлининг турли жабҳадаги ютуқларида ҳам шонли партиямизнинг раҳнамолигини чуқур ҳис қилади ва уни бадиий сержило бўёқларда тасвирлайди. Партияни зафарлардан зафарларга элтгувчи маёқ сифатида кўрсатади.

Шоирнинг чуқур ватанпарварлик руҳи билан суғорилган «Ватанга меҳр», «Ватан ҳақида қўшиқ», «Халқлар кўзи Москвада, Кремлда», «Москва» каби қатор шеърларида турли халқларни ўз бағрига олган севимли Ватанимиз улуғланади.

Шоир асарларининг кўпчилиги кичик ёшдаги болаларга мўлжаллаб ёзилган. Шуниси равшанки, кичик ёшдаги болаларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ҳали жуда содда. Бу ёшдаги болаларга табиат олами сирли бир жумбоқ бўлиб туюлади. Улар, масалан, чақмоқ чақишининг сабабини билмагани туфайли ҳайратланади. Машиналарнинг жони бўлмаса ҳам бемалол юриши, ҳатто оғир ишларни бир зумда бажариши сирларини билгиси келади. Шоир кичкинтойларни табиат ва ҳайвонот олами билан таништиришга қаратилган асарларида ана шу «сир»ни хусусиятларини қаламга олади. Шу орқали китобхоннинг маънавий оламига таъсир қилади, ҳамда маълум бир тарбиявий фикрни илгари суради.

Коммунист шоирнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Улуғ Ватан уруши даврида кўрсатган мардлиги учун «Қизил Юлдуз» ордени ва бир қанча жанговар медаллар билан мукофотланган бўлса, урушдан кейинги даврдаги хизматлари учун «Аълочи нашриётчи», «Маориф аълочиси» нишонлари билан тақдирланди. Шоир 1970 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Илёс Муслимнинг ижоди ҳозир айни камолот палласида. У ижод билан қизғин шуғулланиб, болаларга атаб асарлар яратмоқда.

С. УМАРОВ,
филология фанлари кандидати,

С. МАТЧОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспиранти.

Илёс МУСЛИМ.

ОРЗУМИЗ УЛКАН

Халқлар иноқ яшар элларда,
Ўлкамиз тинч, гуркираб ўсар,
Дўстлик куйи янграб тилларда,
Қонли уруш йўлини тўсар.

Тожик кекса Помир тоғидан
Ҳинд дўстини чорлайди тўйга,
Эртасига Вьетнам боғида
Дўстлар рақсин жўр қилар куйга.

Зиёфатда эл-юрт номидан
Айтилади табриклар бир зум.
Ўзбекларнинг боғ-ишкомидан
Қадрдонлар узиб ер узум.

Бу дўстликдай улуғ куч борми!
Жаҳон аҳли қудратли вулкон!
Халқлар янчар урушқоқларни,
Кундан кунга орзумиз улкан.

СЕНИНГ СОВҒАНГ

Чақнаб турган қувноқ кўзингни
Қўлингдаги ишдан олмайсан.
Дилдан тошиб чиққан сўзингни
Айтиш учун гап тополмайсан.

Жажжигина бармоқчаларинг
Ҳаракатдан тўхтамас бир зум.
Сен чизган гул, байроқчаларинг
Байрам учун совғадир, қизим!

Ишни олиб ҳар кун ёнингга,
Зеҳн қўйиб каштa тикасан,
Энди билсам, онажонингга
Байрам куни совға этасан.

Онанг шунда очар кенг қучоқ
Гўё кўкка етгандек бошн.
Сенсан унга доим овунчоқ,
Сен — онангнинг кичик йўлдоши!

Ахборот

«НАВРЎЗ» АНСАМБЛИ МОЛДАВИЯДА

Пастдарғом районидаги комсомол колхози қошида ташкил топган «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли қардош Молдавия республикаси бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Ансамбль репертуарида ўзбек, озарбайжон, туркман, рус, уйғур, тожик, қозоқ ҳамда бошқа қардош халқларнинг куй ва қўшиқлари, рақслари бор.

М. ЮНУСОВА.

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПИБ

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Оллоберган ака Хўжаевни Хивада танимаган одам йўқ. У 45 йилдан буён шу ерда сартарошлик қилади. Салкам ярим асрлик меҳнат фаолиятида у юздан ортиқ шогирд тайёрлади. Хайрли касб эгаси О. Хўжаевнинг кўп йиллик хизматларини қадрлаб унга республика маиший хизмат аълочиси деган фахрли ном берилди.

Б. ЖУМАНИЁЗОВ.

УЧ ЭГИЗАК

Каттақўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори Б. Бекиев ва шу колхоз бухгалтери Санам Каримовалар оиласида қувончли воқеа рўй берди. Санамхон уч эгизак кўрди. Чақалоқлар соғлом ўсмоқда. Улар шифокорлар назоратида. Шундай қилиб, бу оилада фарзандлар сони 5 та етди. Ота ва она қизалоқларига Дилнавоз, Гулнавоз ва Сарвиноз деб исм қўйдилар.

Б. САФАРОВ.

* * *

Шунингдек редакцияга И. Аҳмеров, Р. Ҳасанов, (Тошкент), Қ. Абдўжалилов, Қ. Турсунқулов, (Сурхондарё), А. Алпомишов (Жиззах области), О. Бердалиев, Р. Жабборов (Фарғона области) И. Абдуллаев (Хоразм области) ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хатхабарлар йўллашган.

Ажаб савдолар

ҚЎШИҚ ШАЙДОСИМИШ...

Африк Симонни эшитмабсиз, дунёга келмабсиз. Байбай, ана овозу, мана овоз. Бу дейман унинг ўзи ҳам ҳар куни, эрта наҳорда ўнтагина тухумни илитиб ютишни канда қилмаса керак, бирам ширали, бирам ширалики, асти қўяверасиз. Африк Симон қайда-ю, Анатолий Орипов қайда. Булбулнинг хонишини чумчуқнинг чирқиллашига қиёслаб бўлармиди. Африк Симон ўз оти билан Африк Симон-да.

Ишқибозлик экан, Анатолий Орипов ҳарчанд урингани билан қўшиқчи бўлиш орзуси амалга ошмаслигига кўзи етдими, ишқилиб, ҳафсаласи пир бўлиб, «боре, мендан қўшиқчи чиқмаса чиқмас, аммо шундай бир иш қилайки, шинаванда дегани йўлимни пойлайдиган бўлсин», деган қарорга келди.

Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битириб қўяркан. Анатолий Орипов Чилонзордаги «Мелодия» магазинига ишга жойлашиб олди. Унда қўшиқчилик маҳорати бўлмагани билан яхшигина сотувчилик талантига эга эди. Қайси пластинка харидоргиру, қайси бири пештахтала чанг босиб туриб қолишини қўшиқчининг номиданоқ билиб оларди. Унинг ўйлагани амалга ошди. Қўшиқ ишқибозлари-ю, шинавандалари ҳар куни Анатолийнинг ишга келишини илҳақ бўлиб кутиб турадиган, йўлини пойлайдиган бўлиб қолишди. Улар олдида обрўси ошиб, Анатолий исми ёнига отасининг номи ҳам қўшиб айтиладиган бўлди.

— Анатолий Абильевич, менинг илтимосим нима бўлди?

— Алла Пугачёванинг янги пластинкаси чиқибди, бир жуфтгина топиб беринг...

— АББАдан бир донагина...

Кўрдингизми, шинавандалар учун қўшиқчининг ўзи каби унинг овози ёзилган пластинкалар билан савдо қиладиган сотувчининг обрўси ҳам баланд бўлиб кетди. Омади чопиб машҳур қўшиқчиларнинг ноёб пластинкасидан бир жуфтини қўлга киритган ишқибознинг бахт қувончига нима етсин?!

Ишқибозлар орасида мода бўлиб кетган қўшиқчилар намунча кўп-а?! Пластинкаларнинг дарагини эшитса эрта тонгдан магазин эшиги ёнига шинавандалари тўпланадиган Алла Пугачёва, Африк Симон, Лайф Ливен Блуиз, Бони-млармией... Яна нуқул бош ҳарфлар билан ёзиладиган АББА дегани ҳам чиқибтимией... Ишқилиб Анатолийнинг бахти чапак чалиб қолди. Оддий пластинкаларнинг магазин нархи 70 тийин, кўп қўшиқли пластинканики эса нари борса уч сўм. Анатолий Орипов эса шуларни пештахтанинг тагидан эгилиб олиб берса ёки «ўзига деб сақлаб қўйганидан» сотса бу пластинкаларнинг нархи ошиб ўн-ўн беш, ҳатто 25 сўмгача етарди. «Еб кетарга» қоладиган фойдани у кўпинча «хизмат ҳақим» берди. Унинг «хизмат ҳақи» қанчалик кўпайса, пештахта остига тушиб кетадиган, олди эшик бир ёқда қолиб орқа эшикдан узатиб юборилиадиган ёки ошна-оғайинлар орқали пулланадиган ноёб пластинкалар сони ҳам шунча кўпайиб борарди. Хуллас, мазанинг каттаси Анатолий Ориповникиларнинг бўлиб қолди. У шу даражага етдики, харидорбоп пластинкаларга ўзича хомаки нарх ҳам қўйдиган бўлди. Масалан, Африк Симон, Лайф Ливен, Блуизларнинг бир дона пластинкаси ўн сўм. АББА ва Бони-млар-никиси эса ўн беш сўм, ҳоказо ва ҳоказолар.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Қўшиқчилик бошқа-ю, қўшиқ ёзилган пластинка билан савдо қилиш бошқа экан. Шуниси ажабланарлики, Анатолий Ориповнинг «фаолияти» гул очиб магазин раҳбарларига яхши маълум бўлса ҳам аммо улар негадир индамай келишди. Бир сабаби бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур, деган гап «Мелодия» магазинида рўй бераётган воқеаларга мослаб айтилган бўлса ажаб эмас.

Ж. МАНСУРОВ,
Б. СОДИҚОВ.

СОВЕТ САНЪАТИ АНТОЛОГИЯСИ

СССР Рассомлар союзи правлениеси секретариати ўтган йилги энг яхши санъатшуносликка асарлари конкурсига якун ясади. 20 та монография, илмий иш ва альбом диплом билан тақдирланди.

Москвалик санъатшунос Олег Сопоцинский лауреатлардан бири. У «СССР халқлари санъати (1917-1970 йиллар)» альбомини тузган ва унга сўзбоши ёзган. Полиграфик жиҳатдан яхши ишланган ва чиройли безатилган бу альбомни совет тасвирий санъатининг кичик антологияси деб аташ ҳам мумкин. Негаки, ундан Москва, Ленинград ва 15 қардош республиканинг йирик ижодкорлари яратган 400 га яқин живопись, скульптура ва графика асарлари жой олган. Альбомда ўзбекистонлик рассомлардан У. Тансиқбоев, Р. Аҳмедов, П. Беньков, Н. Карахан ва Б. Бобоев асарларидан репродукциялар берилган. Шунингдек, унда мазкур рассомларнинг суратлари билан бир қаторда уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир маълумотлар ҳам ўрин олган.

С. КОСТИРКО.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Спартакиада кундалиги. 10.05 — Орленок. 10.50 — Алёшканинг ови. Бадиий фильм. 11.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 16.30 — Спартакиадада. 17.30 — Горнчилар, қасрдасиз? 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Спартакиадада. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Оперетта артистларининг кечаси. 21.30 — Вақт. 22.00 — Спартакиадада. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильм. 11.40 — Қизил альпинистлар. 9—10-сериялар. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — Республика мулки. Бадиий фильм. 1-серия. 18.20 — Микромультфильмлар тўплами. 18.30 — Сиз севган шоирлар. Илёс Муслим. 19.00 — Она ер саховати. 19.30 — Ахборот. 19.45— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Белялов куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — СССР халқ артисти Г. Измайлова концерти. 21.30 — Вақт. 22.00 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.20 — Беором кун. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

18.40 — Кручина-Бучина. Фильм. 18.50 — Олтин соат. Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Китоб дўстлари. 21.00 — Ҳамма таниган номаълум киши. Бадиий фильм. 3-серия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Бадиий ҳаваскорлар ижро этади. 9.30 — Хор асарлари. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 15.00 — Қуёнчилик — хўжаликнинг сердаромад соҳаси. 13.30 — Оперетталардан куйлар. 14.00 — Пахта далаларига алоҳида парвариш қилайлик. 18.50 — Б. Ҳамдамов ва Ҳ. Одилов куйлайди. 19.20 — Абитуриент-79. 20.20 — З. Люманова куйлайди. 20.50 — Катта Фарғона каналига — 40 йил. 21.00 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.20— Чорвадорлар. Сизлар учун. 21.50 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида. 22.28 — Фарғона канали қурилишида иштирок этганлар учун концерт. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02125. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 174.